O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

УШБУ СОНДА:

**ЕР ГАРОВИ** 2



**КЕЧИККАН КРЕДИТ** 3

**ҲУКМ** — *УНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ НИМАДАН ИБОРАТ?* 4

**"УХЛАЁТГАН" МАШИНАЛАР**



*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 17 (373)
2004 йил 4 май
сешанба

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Ушбу қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:**
**ахборот — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар;**
**ахборот мулкдори — ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;**
**ахборотни муҳофаза этиш — ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари;**
**ахборот ресурслари — алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқа ахборот тизимларидаги) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўпламлари;**
**ахборот соҳаси — субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолияти соҳаси;**
**ахборот борасидаги хавфсизлик — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати;**
**ахборот эгаси — қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;**
**махфий ахборот — фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот;**
**оммавий ахборот — чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуаль ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар;**
**ҳужжатлаштирилган ахборот — идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.**

**"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 3-МОДДА**

# ЙЎЛИМИЗДАН ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРОЛМАЙДИ

*Олий Мажлиснинг 14-сессиясида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бундан бир ой аввал мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик воқеаларига теран сиёсий баҳо бериб, чуқур таҳлил қилди. Президентимиз нутқида бу хавфли иллатга қарши самарали кураш усул ва йўналишлари аниқ кўрсатиб берилди. Улар келгусида айни саъй-ҳаракатлар муваффақияти йўлида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.*



### ҒОЯГА ҚАРШИ ҒОЯ

Ҳозирги пайтдаги турли сиёсий курашлар ядро полигонларида эмас, балки ғоялар атрофида кечмоқда. Бузғунчи ғояга асосланган терроризм ва диний экстремизм ҳам инсоният тараққиёти ҳамда хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Ғоявий таҳдид эса маънавий бўшлиқ юзага келган маконларни, асосан ҳаёт бўсағасида турган ёшларни тажовуз объекти сифатида танлайди.

Келинг, айни фикрларимизнинг амалий тасдиғини яқин мозийдан излаймиз. Қарийб бир аср миллий ва диний илдизларидан узиб қўйилган миллатимиз истиқлол эпкинлари бошлангач, ўзликни англаш жараёни билан бирга динимизни ўрганишга киришди. Хусусан, динга иштиёқ ниҳоятда кучли бўлгани ҳолда на дин арконларидан мукаммал илм бера оладиган мударрислар етарли эди, на дарсликлар.

Оқибатда четдан "биродарларимиз" ёт қараш ва манфаатларни ифода этган китобларни қўлтиқлаб "ёрдам"га шошилишди. Қабиҳ ниятли кучлар ниҳоятда нозик жиҳат – халқимиз муқаддас деб билувчи исломни ўзларига ниқоб қилиб, юртимизда тинчлик-осойишталикка раҳна солиш орқали ҳокимиятга эга бўлиш илинжида ҳаракат бошлашди.

Яқинда юртимизда рўй берган қўпорувчиликлар ғанимларимиз ҳамон биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдек разил ниятларидан қайтмаганини кўрсатади. Содир этилган бу каби фожиали воқеалар ва уларни амалга ошириш усулларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, улар ўз разил мақсадларига эришишда одамларни, аввало, дунёқараши шаклланмаган, ҳаёт тажрибаси кам ёшларни ўз найрангларига жалб этмоқда.

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис минбаридан кенг жамоатчиликка қилган мурожаати бу борада дастуриламал вазифасини ўташи шубҳасиз: **Ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпорувчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа – аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларини изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда**.

Хуллас, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб турган бир пайтда самарали кураш йўлларини излаб топиш давр талабидир.

### ЎЗ КУЧИМИЗГА ТАЯНАМИЗ

Истиқлол сиёсатининг муҳим қирраси юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат бўлиб, ҳукуматимиз кўплаб хайрли ва эзгу амалларга қўл урганини эътироф этиш жоиз: жаҳон ҳамжамиятини терроризм хавфи кучайиб келаётганидан огоҳ этган ҳам, бу балога қарши самарали кураш йўлларини таклиф этган ҳам, тараққийпарвар кучлар инсоният душманига қарши кураш эълон қилганида бу сафга биринчилардан бўлиб қўшилган ҳам Ўзбекистон бўлди. Ўз халқи манфаатлари ва хоҳишининг ифодаси ўлароқ кўрилган бу каби аксилтеррор саъй-ҳаракатлар вақти-соати етиб самараларини берди. Бироқ сўнгги фожиали воқеалар бизни ҳеч қачон хотиржамликка берилмасликка, аксинча, терроризм янги шакл-шамойилда намоён бўлаётганини назардан қочирмаган ҳолда унга қарши самарали кураш усулларини излашда давом этиш зарурлигини, энг муҳими, доимо огоҳ ва ҳушёр туриш даркорлигини кўрсатди.

Дунёнинг тараққийпарвар кучлари терроризмга қарши ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаб, бир тану бир жон бўлиб курашсагина натижага эришиши мумкинлиги кундай равшан. Халқаро террорчи кучлар бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда, афсуски, "бу машъум офат бизни четлаб ўтади" қабилида сиёсат юритаётган давлатлар ҳатто минтақамизда ҳам учраб турибди.

Хўш, бундай пайтда қандай йўл тутмоқ керак?

Жавоб оддий: мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш аввало ўз куч-қудратимизга, халқимиз жипслигига, кучли иродасига боғлиқ. Баралла айтиш мумкинки, бундан бир ой аввал мамлакатимизда юзага келган оғир ва таҳликали вазиятни ҳам ўз кучимиз билан бартараф эта олдик. Президентимиз таъкидлаганидек, аввало Аллоҳнинг ўзи юртимизни асради, қолаверса, тинч-осуда ҳаётимизни ҳимоялаш, сақлаш учун азиз жонини берган ҳуқуқ-тартибот ходимларининг жасорати туфайли бунга йўл қўйилмади. Шу маънода айтоламизки, халқимиз шу пайтга қадар ўз юрти тинчлиги ва осойишталигини куч-қудратига таяниб ҳимоя қилган, бундан кейин ҳам худди шундай бўлади. Фақат бу ишда елкама-елка турсак бас.

### МИЛЛАТ БИРЛАШМОҒИ ЛОЗИМ

Эътибор берганмисиз, ўзбек халқи тарихида Уйғониш қандай вазиятларда рўй берган? Халқимиз ўз ўтмишининг X-XI ва XIV-XVI асрларида буюк Ренессанс даврларини бошидан кечиргани тарихдан маълум. Уларнинг қай бирини олмайлик, ягона умумий хусусият ва ўхшашликни кузатамиз: истилолардан чарчаган халқ ягона мақсад йўлида бирлашган, алалоқибат озодликка эришибгина қолмай, тамаддун бешикларини ҳам тебратган.

Бугунги замонда ҳам дунё узра етакчилик қилаётган ҳамда тараққиётнинг юксак марраларини забт этаётган мамлакат ва халқлар босиб ўтган тараққиёт йўлида яна ўша хусусият намоён: халқ энг оғир вазиятларда келажакка ишонч билан қараб, "майли бугун қийиндир, лекин эртага, албатта, марра бизники", дея бирлашган. "Япон мўъжизаси", "немис машинаси" каби атамаларнинг халқаро мулоқотга кириб келишига аслида шу халқларнинг ҳар бир фарзанди ватан келажаги, равнақи учун бошланган умумий ишдан четда турмагани сабаб эмасми?

Шулардан келиб чиқиб, муайян давлатнниг ривожланиш даврини уч босқичга — ўзликни англаш, ягона миллат сифатида бирлашиш, юксак тараққиёт, деб ажратадиган бўлсак, назаримизда, бу тушунчаларни ҳамма ҳам бир хил англамаётгандек. Йўқса, аллақачон манфур ниятли кимсаларни орамиздан сиқиб чиқарган, ҳар биримиз эл-юрт фаровонлигига эришишдек эзгу мақсад йўлида камарбаста бўлмасмидик. Шу нуқтаи назардан Президент Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлайдики, **мана шундай локайдлик ва бепарволикни кўрганида одам беихтиёр ёниб кетади, эй, одамзод, кўзингни оч, Ўзбекистонни вайронага, халқимизни қулга айлантирмоқчи бўлганлардан, болаларимизни алдаб, уларни ўзимизга қарши қайраб юрганлардан огоҳ бўл, деб ҳайқиргиси келади.** Халқимизни миллат сифатида жипслаштириш йўлида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш ва тарғиб-ташвиқ қилишнинг ўрни ғоят катта деб ўйлаймиз. Зотан, миллатнинг ҳар бир фарзанди ғурур ва ифтихор туйғуларини ҳис этиб, эл-юртнинг эртанги куни ҳақида қайғура бошлагандагина миллат ягона мақсад сари бирлаша бошлайди.

### ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

Биз юқорида ғояга қарши ғоя билан ўз кучларимизга таянган ҳолда МИЛЛАТ бўлиб курашиш ҳақида тўхталдик. Бироқ Президентимиз қайд этганидек, бу вазифаларнинг негизида, амалга оширишимиз лозим бўлган бу ғояларнинг пойдеворида битта нарса турибди: у ҳам бўлса, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришдир. Ҳақиқатан ҳам, инсон табиатан фаровонликка интилиб яшайди. Айниқса, оиласи, фарзандларининг келажаги ҳақида қайғуриб елиб-югуриш бобида ўзбекларнинг олдига тушадиган халқ бўлмаса керак. Халқимизнинг айни хоҳиш-истагига монанд тарзда давлатимизнинг хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, тадбиркорликка кенг йўл очиш борасидаги ишлари пировардида мулкдорларнинг яхлит тоифасини юзага келтирмоқдаки, бу шахсий фаровонликдан эл-юрт тўкин-сочинлиги сари илк одимлар бўлмоқда десак, хато эмас. Бу каби саъй-ҳаракатларга гувоҳ бўлиб турганимиз боис уларни бирма-бир қайд этмоқдан ўзимизни тийган ҳолда Президент Ислом Каримовнинг мана бу сўзларини келтирмоқ жоиз: **"Нафақат давлатнинг, балки ҳар қайси оила, ҳар қайси одамнинг даромадларини кўтариш, турмуш даражасини яхшилаш бўйича кўп ишларни қилишимиз даркор"**.

Халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш масаласи сиёсий партиялар фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқ экани сессияда алоҳида таъкидланди. Бинобарин, сиёсий партиялар мамлакатимиз тараққиётига ғов бўлаётган, ҳукумат эътиборидан четда қолаётган ёки ҳал этишга улгуролмаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда ўз таклифлари ёки муқобил ечимлари билан юртимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Ўйлаймизки, Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясида қабул қилинган **"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"**ги қонун келгусида партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришнинг қонуний асосларини яратиб беради. Зеро, соғлом рақобат бор жойдагина тараққиёт ва ривожланиш юзага келади.

**Мадамин САФАРОВ,**
**шарҳловчи**

## ЭКОЛОГИЯ ОЛИМПИАДАСИ

**Xabar**

Сўнгги йилларида мамлакатимизда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, экологияга оид бир қатор қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларнинг қабул қилиниши табиатни муҳофаза этиш муносабатларини такомиллаштириш, табиий ресурсларни муҳофаза этишнинг ҳуқуқий воситалари самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга экологик қонунларнинг самарадорлиги, улардаги қоидаларнинг амалиётга жорий қилиниш даражаси, уларнинг ижро этилишидаги муаммоларни ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда ушбу қонунларни такомиллаштиришга оид таклифлар ва тавсиялар бериш долзарб масала ҳисобланади.



Шу йил 28 апрел куни Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти ва "ЭКОСАН" халқаро жамғармаси ҳамкорлигида Тошкент Давлат юридик институти талабалари ўртасида **"Экология ҳуқуқи"** фанидан олимпиада бўлиб ўтди. Унда Тошкент Давлат юридик институтининг 2-курс талабаларидан ташкил топган 1-ҳуқуқ факультетининг "Экопарламет", 2-ҳуқуқ факультетининг "Эколегист", 3-ҳуқуқ факультетининг "Экосуд" командалари иштирок этди. Олимпиадани ўтказишдан мақсад талаба ёшлар ўртасида табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза этиш, аввало ундаги мутаносибликни сақлаш, атроф-табиий муҳитни доимо яхшилаб бориш, улар бузилганда эса тиклашнинг самарали чораларини қўллашда қонунларнинг ўрни ва аҳамиятини тарғиб этишдан иборат.

Олимпиада шартларида экологик ҳуқуқий муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари замонавий компьютер-ахборот техника воситалари ёрдамида, илмий маърузалар асосида таҳлил этилди.

Шунингдек, талабалар экологик қонунларнинг аҳамияти, вазифаси, уларнинг ижросини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, экологик қонунларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазаларни ҳам билдиришди.

Олимпиадада экологик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тайёрланган илмий маъруза, таклиф ва мулоҳазаларни Олий Мажлис ва табиатни муҳофаза қилувчи давлат идораларига юбориш тавсия этилди.

**Отабек ТУРСУНХЎЖАЕВ**

*Бу дунёда эзгулик ва ёвузлик ҳамиша ёнма-ён юрган. Шу боис тараққиёт илгарилаган сари ёвузлик ҳам турли шакл ва ниқобларга бурканиб, ўз умрини узайтириш пайида бўлади. Инсоният янги асрга қадам қўйган ҳозирги пайтда жаҳон тамаддунига терроризм ва диний экстремизм сингари ёвуз кучлар таҳдид солмоқда. Ёвуз ниятли кимсалар динни ўз чиркин мақсадлари йўлида ниқоб қилиб, ҳокимият ва мол-дунёга эришиш йўлини танлади. Турлича номланган ёвуз кучлар халифалик барпо этиш каби сохта ақидаларни одамлар, айниқса, ёшлар онгига сингдириш орқали ўз манфур ниятларига етишишни кўзлай бошлади. Бундай хуружлар юртимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу ўринда юртимизда бундай иллатлар қандай пайдо бўлди, деган ҳақли савол туғилади.*

## НИҚОБЛАНГАН ХОМХАЁЛ

**Ogohlikka da`vat**

Гапнинг индаллосини айтганда, даҳрийликка асосланган мустабид тузум туфайли жамиятимизда маънавий бўшлиқ юзага келган эди. Шундай вазиятда минтақамизга, хусусан, Ўзбекистонга ўз таъсирини ўтказишни кўзлаган кучлар зимдан ёпирилиб келиб юртдошларимиз онгига бузғунчи ғояларни сингдиришга ҳаракат қилди. Ислом динининг соф ғояларини ниқоб қилиб сиёсий ҳокимият сари интилаётган бундай қора кучлар қаторида "Ҳизбут-таҳрир ал-исломий" ҳам бўлиб, унинг ёвуз мақсади мавжуд конституциявий тузумни ағдариш, яхлит жуғрофий ҳудудда ислом давлати қуриш, халифаликни қайта тиклашга қаратилган. "Ҳизбчилар" бу мақсадлари йўлида экстремизм ва терроризмни восита сифатида, ғоявий хуружни кураш усули тарзида танлаган. Мафкуравий тарғиботда эса асосий эътибор ёшлар дунёқарашидаги маънавий бўшлиқдан фойдаланиб, уларнинг тафаккурини ўз чиркин мақсадлари томон буриб юборишга қаратилган. "Ҳизбчилар" наздида, "мусулмонлар учун ягона халифа сайлашга ҳаракат қилмаслик гуноҳи кабиралардандир". Уларнинг бу даъволари қанчалик мантиққа зидлиги ва нотўғрилигини, энг муҳими, таги пуч сафсата эканини бир неча омил ҳамда мезонларга кўра илмий-диний нуқтаи назардан қуйидагича таҳлил этиш мумкин.

Биринчидан, Мовароуннаҳр ва Хуросон ерларида қарор топган давлатлар уммавийлар ва аббосийлар давридан сўнг ҳеч бир халифалик тасарруфига кирган ҳам, бўйсунган ҳам эмас. Агар мусулмонлар учун бир давлатда ягона ҳукмдор қўл остида умргузаронлик қилиш вожиб саналса, у ҳолда имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, ат-Термизийлар эътиқоди бузуқ мусулмонлар макон тутган юртда вояга етганми? Бундан кўринадики, ягона халифалик даъвоси мусулмон оламида шуҳрат топган аждодларимизга беҳурматликдир.

Иккинчидан, ўз даврида мусулмонлар тинчи ва осойишталигини кўзлаб араб халифалигини иккига бўлиш тадбирини Пайғамбаримизнинг жияни — Али ибн Абу Толиб амалга оширгани тарихдан маълум. Агар мусулмонлар учун ягона халифаликда яшаш вожиб саналса, аввало, унга ҳазрат Али амал қилган бўлмасмиди?

**(Давоми учинчи бетда)**

## КРЕДИТЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМ

**Anjuman**

Шу йил 30 апрел куни Адлия вазирлигида **"Ўзбекистон Республикасида банк ва кредитлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш, амалиётдаги муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий ечими"** мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Конференцияда Республика тижорат банклари вакиллари, Бош прокуратура, Олий хўжалик суди, тегишли вазирлик ва қўмиталар ҳамда Тошкент Давлат юридик институти олимлари, шунингдек, бир гуруҳ тадбиркорлар иштирок этди.

Конференцияда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлашда банкларнинг ўрни, банк ва кредитлашга оид қонун ҳужжатларини ижро этишда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ҳуқуқий ечими, микромолиялаштириш борасида жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон амалиёти, кредит шартномаси мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик каби масалалар юзасидан маърузалар тингланди ва мутахассислар билан фикрлар алмашилиб, ўз ечимини кутаётган муаммолар муҳокама қилинди.

Адлия идоралари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво аризалари киритиш ва тегишли идораларга тақдимномалар юбориш йўли билан таъсир чоралари кўрилаётганини таъкидланди. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида банк ходимларидан 651 нафари интизомий жавобгарликка тортилган ва уларнинг 76 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Жорий йилнинг 1-чорагида эса 17 нафар банк ходимларидан тадбиркорлар фойдасига 4.908.000 сўм моддий ва маънавий зарар ундирилди.

Мазкур конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад амалда вужудга келаётган банк соҳасидаги муаммоларни муҳокама қилиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш ва аниқ таклифлар билдиришдан иборатдир.

Илмий анжуманда мамлакатимизда банк ва кредитлашга оид қонунчиликни такомиллаштириш, амалиётда вужудга келаётган муаммоларнинг ечими юзасидан анжуман қатнашчилари томонидан билдирилган таклифларни маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилинди.

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**
**МАТБУОТ ХИЗМАТИ**

*Ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўлчови бор. Мабодо ана шу табиий мезон бузилса, номутаносиблик юзага келади. Денов туманидаги якка тартибдаги тадбиркор С.Ваҳобов тўрт йилдан буён ўзи очган дўконда автоуловларнинг эҳтиёт қисми билан савдо қилади. Ўтган йилнинг куз ойига қадар унинг барча ишлари бир маромда кетаётган, пул тушумлари, савдо-сотиқ борасида туман ДСИ бўлими томонидан ҳеч қандай эътирозлар йўқ эди. Кейинчалик С.Ваҳобов билан туман ДСИ ўртасидаги муносабатлар бузилди.*

## СОЛИҚЧИ НЕГА АДАШДИ?

**Ajab savdolar**

Натижада турли текширувлар бошланди. Далолатномалар тузилиб, жаримага тортиш тўғрисида қарорлар чиқарилди. Иш шу даражага бориб етдики, тадбиркорга 106 миллион сўмлик "инкасса"ли жарима тўловномасини тақдим этилди. Ахир, гап 106 миллион сўм устида бораётганда ҳар қандай тадбиркорнинг ҳам юраги орқага тортиши тайин.

Хўш, аслида қандай воқеа рўй берганди? Тадбиркор нега бундай катта жаримага тортилди?

Якка тартибдаги тадбиркор С.Ваҳобов бу воқеага шундай изоҳ беради:

"...2003 йил 15 октябр куни дўконга Бахтиёр Қўзиев деган киши кириб, эҳтиёт қисмлар харид қилди. У 3 минг сўмлик эҳтиёт қисм олгани учун мен шу миқдордаги пулни касса аппаратига кирим қилиб, чек бердим. Шунда қаршимда тўсатдан пайдо бўлган солиқ ходимлари ҳужжат ва тегишли буйруқ нусхасини кўрсатиб, касса аппаратидаги пулларни санаб, солиштириб чиқишди ва "ҳаммаси жойида", деб кетишди. Тушдан сўнг эса улар дўконимга қайтиб келиб, менга касса аппарати билан хазинадаги пулдан 1800 сўм ортиқча чиқди, деган далолатномани беришди. Мен уларга "ахир, текширганларингда ҳаммаси тўғри, деб айтдинглар-ку" десам, улар "ҳеч нарса қилмайди, биронта камчилик топиб ёзишимиз керак, далолатномага имзо қўйинг", дея мени алдаб имзо чектиришди. Кейин билсам, 1800 сўм пулни касса аппаратига кирим қилмаган деб, менга 544 минг сўм жарима қўллашган экан".

Шундан сўнг тадбиркор билан туман ДСИ ўртасида можаро бошланди. Ҳар икки томон ўзининг ҳақлигини исботлашга тушди.

544 минг сўмлик жаримадан сўнг бир ой ўтгач, тадбиркорнинг қўлига туман ДСИ томонидан 104 миллион 711 минг 290 сўмлик "инкасса"ли тўловнома келиб тушди. Маълум бўлишича, гўёки у улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома олмасдан 66 та хўжалик юритувчи субъектларга 49 миллион 875 минг 245 сўмлик маҳсулотларни пул кўчириш йўли билан сотиб юборган. Шунинг учун ушбу маблағнинг юз фоизи миқдорида жарима солинган ва молиявий жарима миқдори 99 миллион 750 минг 490 сўмни ташкил этган. Бундан ташқари, ўтган йилнинг феврал ойида 7 кун давомида чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномасиз 2 миллион 479 минг 900 сўмлик савдо қилгани учун шу миқдорда молиявий жарима қўлланилгани дард устига чипқон бўлди.

Шундан сўнг тадбиркорнинг тинчи бузилди. Туман ДСИ бўлими раҳбари ва текширувчи ходимларга қайта-қайта учрашди. Бундан натижа чиқмагач, Адлия вазирлигининг "Ишонч" телефонига, вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Ўтказилган текширувлардан сўнг тадбиркор С.Ваҳобовга нисбатан қўлланилган молиявий жарималар ноқонуний экани аниқланди.

Энди баён этилган ҳолатга эътибор қаратадиган бўлсак, Адлия вазирлигида 2002 йил 31 августда 1169-сон билан рўйхатдан ўтказилган **"Юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг 15-бандида чакана савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларга турғун савдо шахобчалари орқали харидорларнинг нотижорат мақсадлари учун импорт истеъмол товарларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали сотишга рухсат берилиши қайд этилган ва бу ҳолатда улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома олиниши белгиланмаган.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Dakki**

***Марғилонлик хусусий тадбиркор Ҳакимжон Мансуров етти хазинанинг бири бўлган чорвачилик билан шуғулланишга ва шунинг ортидан яхшигина даромад олиб, халқимиз иқтисодига, қолаверса, рўзғорига барака киритишни ният қилган эди. Аммо «ҳолва дегани билан оғиз чучимайди», деганларидек, чорва моллари ва уларнинг озуқаларини сотиб олишга анчагина маблағ керак экан.***

# КЕЧИККАН КРЕДИТ

Ҳакимжон микрокредит ажратишни сўраб, "Миллий банк"нинг Фарғона вилояти бўлимига 2003 йилнинг 1 апрел куни ариза ёзди. Банкка микрокредит ажратилиши учун керак бўладиган барча ҳужжатларни тақдим этди. Кунлар шу зайлда бир-бирини қувиб ўта бошлади. Ҳадемай орадан етти ойча вақт ўтди. Бироқ олиниши лозим бўлган 4.800.000 сўм хусусий тадбиркор Ҳ.Мансуровнинг қўлига келиб тушмади. Охир-оқибат Ҳакимжон Мансуров Фарғона вилоят адлия бошқармасига ариза ёзишга мажбур бўлди. Мазкур аризани ўрганиш жараёнида ҳақиқатдан ҳам, тадбиркор "Миллий банк"нинг Фарғона вилояти бўлимига чорвачиликни ривожлантириш учун 4.800.000 сўм микрокредит ажратиб беришни сўраб, ариза билан мурожаат этгани маълум бўлди. Лекин унинг аризаси банк ходимларининг ўз ишларига ўта совуққонлиги натижасида аризаларни қайд этиш китобига киритилмаган. Банк бошқарувчиси вазифасини бажараётган О.Одилов эса Ҳ.Мансуров банкка қачон ариза билан мурожаат этганини эслай олмади. Аммо Ҳ.Мансуров кредит олиш учун ҳужжатлар тўплами тайёрланганини, кредит олишга ёрдам беришни сўраб мурожаат қилганини, мазкур мурожаатномадан кейин ҳужжатлар тўпламини амалдаги қонун талаблари асосида тайёрлаб, 2003 йил 10 октябр куни тадбиркорларнинг аризалари бўйича тўпланган ҳужжатлар "Миллий банк"нинг Кичик ва ўрта бизнес бошқармасига тақдим этилганини маълум қилди.

Шу ўринда яна бир муҳим гап. "Миллий банк"нинг Кичик ва ўрта бизнес бошқармаси 2003 йилнинг 22 октябр куни МС-10/1331-16-сонли хат билан тадбиркор Ҳ.Мансуровнинг кредит сўраб ёзган аризаси бўйича ҳужжатлар тўплами мазкур ариза юзасидан кредит қўмитаси қарорини тайёрлаш ҳамда расмийлаштиришда хато ва камчиликларга йўл қўйилгани, айрим ҳужжатлар етишмаслиги сабабли қайтарилганини билдирган. Мазкур ҳужжатлар "Миллий банк"нинг Кредит ва инвестицон лойиҳаларни таҳлил қилиш бўлимининг мутахассиси Ш.Бобожонов томонидан ўрганиб чиқилган ва кредит лойиҳасини кредит қўмитасида кўриб чиқиш ҳақида хулоса берилган. Лекин мазкур хулоса санаси кўрсатилмаган. Яъни, у тегишли тартибда қайд этилмаган. Ариза ва банк иқтисодчисининг хулосаси "Миллий банк"нинг Фарғона вилояти бўлими кредит қўмитасининг йиғилишида кўриб чиқилган. Банкнинг имтиёзли кредитлаш ресурслари ҳисобидан қорамол ва чорва озуқаси сотиб олиш учун 4.800.000 сўм миқдорида микрокредит маблағи ажратиш ҳақида қарори қабул қилинган. Лекин мазкур қарорнинг ҳам санаси кўрсатилмаган. Шундай бўлса-да, "Миллий банк"нинг Фарғона вилояти бўлими ва тадбиркор ўртасида кредит шартномаси лойиҳаси тузилган. Мазкур кредит шартнома лойиҳаси банк бўлими ҳуқуқшуноси Н.Тен томонидан 2003 йилнинг 24 июн куни кўриб чиқилиб, ҳуқуқий хулоса берилган.

"Миллий банк"нинг Кичик ва ўрта бизнес бошқармаси томонидан кредит лойиҳаси бўйича тўпланган ҳужжатлар айнан юқорида қайд этилган хато ва камчиликлар учун қайтарилганлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, ушбу хато ва камчиликларга йўл қўйган банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарликка тортиш, хусусий тадбиркор Ҳ.Мансуровнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари кўрилмаган ва кредит лойиҳасининг йиғма жилди қайтариб юборилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан Ҳ.Мансуровнинг аризаси атрофлича ўрганиб чиқилди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан Марказий банкнинг Фарғона вилояти бош бошқармасига тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўриш ҳамда айбдор мансабдор шахсларни тегишли тартибда жавобгарликка тортиш ҳақида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритилган эди. Афсуски, 2003 йилнинг 20 ноябр куни юборилган 2011/152-сонли ушбу тақдимнома тўлиқ ижро қилинмади. Аниқроғи, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш чоралари кўриш ўрнига, Ҳ.Мансуровга кредит ажратиш масаласи "Миллий банк" томонидан кўриб чиқилаётгани маълум қилинди, холос.

Адлия вазирлигида 2000 йил 29 феврал куни 902-сон билан рўйхатга олинган **"Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларига миллий ҳамда хорижий валютада микрокредит ажратиш Тартиби"**нинг 2.6-бандида банкка кредит ажратиш учун зарур бўлган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда берилган ариза, у тушган кундан бошлаб банкнинг ушбу ариза бўйича хулоса чиқариш муддати беш кундан ошмаслиги лозимлиги кўрсатиб ўтилган. "Миллий банк"нинг Фарғона вилояти бўлими кредит қўмитасининг тадбиркор Ҳ.Мансуровга 4.800.000 сўм кредит ажратиб бериш тўғрисидаги қарорида банкнинг мажбурияти "Миллий банк"дан ёзма равишда рухсат олганидан сўнг кучга кириши кўрсатилган. Шунингдек, мазкур қарорда Ҳ.Мансуровга 4.800.000 минг сўм кредит ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилишига банкнинг етакчи мутахассиси Ш.Бекжонов ҳамда кредит бўлими бошлиғи Ш.Ортиқова жавобгар эканлиги белгиланган. Аммо банк ходимлари кредит ҳужжатларини расмийлаштиришда ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қарашган ва қайд этилган камчиликларга йўл қўйишган. Натижада Ҳ.Мансуровга кредит ажратиш сансоларликка солинган. Бу билан **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 30-моддасида қайд этилган тадбиркорлик фаолиятлари, субъектлари кредит ресурсларидан эркин фойдаланишда қонун ҳужжатларига мувофиқ тенг ҳуқуқларга эга, деган қоида қўпол тарзда бузилган. "Миллий банк"нинг Фарғона вилоят бўлими мансабдор шахсларининг ҳаракатсизлиги ҳамда ўз ишларига масъулиятсизлиги оқибатида тадбиркор бизнес режасида олиниши керак бўлган 1.009.350 сўм соф фойдани бой берган. **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 38-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарарнинг ўрни бу зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда, шу жумладан, бой берилган фойдани қўшиб қоплаши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Вилоят адлия бошқармаси Фуқаролик кодексининг 15,826-моддасининг 2-қисми, 988,1021-моддалари, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 15,30,38-моддалари, Адлия вазирлигида 2001 йил 3 октябр куни рўйхатга олинган 1074-сонли Низомнинг 33-бандига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги **"Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлаштириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"**ги 57-сонли қарорининг 7-банди ҳамда 2003 йил 27 август кундаги 370-сонли қарорига асосан 2003 йилнинг 3 декабр куни тадбиркор Ҳ.Мансуровнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритган эди. Шу йилнинг 24 феврал куни мазкур даъво аризаси юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди. А.Содиқов раислигида бўлиб ўтган суд жараёни мазкур иш юзасидан тўпланган барча далилларга, тарафларнинг судда келтирган тушунтиришларини атрофлича ўрганди ва ўзининг ҳал қилув қарорини қабул қилди.

**"Фарғона вилояти адлия бошқармасининг хусусий тадбиркор Ҳакимжон Мансуров манфаатини кўзлаб,** — дейилади суднинг ҳал қилув қарорида, —**"Миллий банк"нинг Фарғона вилояти бўлими ва шу бўлим ходимлари Бекжонов Шерзодбек ва Ортиқова Шаҳнозага микрокредит ажратишни юклаш, етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақида даъвоси қисман қаноатлантирилсин. «Миллий банк»нинг Фарғона вилояти бўлимига хусусий тадбиркор Мансуров Ҳ.М. га 4.800.000 сўм микдорида имтиёзли йиллик 10 фоизли микрокредит ажратиш мажбурияти юклатилсин. "Миллий банк"нинг Фарғона вилояти бўлимидан Ҳ.Мансуров фойдасига 689.000 сўм моддий ва 1.000.000 сўм маънавий зарар ундирилсин. Давлат фойдасига "Миллий банк"нинг Фарғона вилояти бўлимидан 1.920.000 сўм давлат божи ундирилсин".**

Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби кун сайин ортиб бормокда. Буни тўғри англаган хусусий тадбиркор Ҳакимжон Мансуров чорвачиликни ривожлантиришга астойдил бел боғлади. Аммо у катта тўсиқларга дуч келди ва суд орқали ўз мақсадига эришди.

**Маҳмуджон ТОЖИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

**Diqqat: yangilik!**

***Адлия вазирлиги томонидан апрел ойида фермер хўжаликларига кредит беришни тартибга солувчи бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатига олинди. "Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ва "Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низом шулар жумласидандир. Фермер хўжаликлари учун бу масала ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этганини инобатга олиб, ана шу Низомлардан бири тўғрисида газетхонларимизга таништириш беришни лозим деб топдик.***

# ЕР ГАРОВИ

## ёки кредит олишдаги янги имкониятлар ҳақида



Ҳар бир фермер ўз фаолиятини кенгайтириш, янги қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олиш, ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш, қайта ишланган маҳсулотини экспортга чиқариш каби эзгу ниятни кўнглига тугиб, фаолият юритади. Шу боис фермерлар режаларини амалга ошириб, мамлакатимиз иқтисодига салмоқли ҳисса қўшиб келишмоқда. Лекин бошқа бир тоифадагиларнинг маблағи камлиги, кредит олиш учун имкониятлари сустлиги, яъни гаровга қўядиган мол-мулки йўқлиги, суғурта полиси ёки кафолат олишга мукофот пуллари етишмаслиги каби муаммоларга дуч келаётгани сабабли режалари орзулигича қолмоқда.

Адлия вазирлиги томонидан жорий йилнинг 30 апрелида 1345-сон билан рўйхатга олинган **"Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисида"**ги Низомнинг рўйхатга олиниши бу тоифадаги фермерларимиз учун айни муддао бўлди. Чунки ушбу ҳужжат фермерларга ўзининг асосий бойлиги, яъни ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда банклардан кредит олиш баробарида ўзларининг фаолиятини янада кенгайтириш, юқоридаги режаларини рўёбга чиқариш имконини беради.

Қайд этиш жоизки, фермерларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини гаровга қўйиш имкониятлари 1998 йилдан амалга киритилган Ер кодексида назарда тутилган эди. Бироқ бундай имкониятни амалга оширишнинг амалий ва тўлақонли механизми юқорида номи зикр этилган Низомда белгиланган бўлиб, мазкур тартиб жорий йилнинг 10 май кунидан бошлаб кучга киради.

Амалга киритилган тартибнинг асосий жиҳатлари шундан иборатки, ерга бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйиб кредит олиш учун тегишли ҳокимлик розилигини олиш лозим бўлади. Бундай талаб ер давлат мулки эканлиги тўғрисидаги конституциявий тамойилдан ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ер ажратиш, унга бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш ва уни олиб қўйишга ваколатли эканидан келиб чиқади.

Шунингдек, кредит шартномаларини расмийлаштиришдаги муҳим шартлардан бири бу — гаровга қўйилаётган мулк ёки ҳуқуқнинг баҳосини аниқлаш масаласидир. Таъкидлаш жоизки, бу масалада қонунчиликда шартнома тарафларининг эркинлиги тамойилидан келиб чиқиб, қатъий бир қоидани белгиланмаган, балки гаровга қўйилаётган мулкнинг баҳоси фермер хўжалиги ва банкнинг ўзаро келишуви асосида аниқланишини таъкидланган. Шу билан бирга, томонларга йўл-йўриқ бўлиши учун Марказий банк томонидан **«Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида»**ги Низом ҳам ишлаб чиқилган. Унга асосан гаровга қўйилаётган ижара ҳуқуқининг баҳоси, биринчидан, ана шу ижара ҳуқуқининг амал қилиш муддати, иккинчидан, фермер хўжалигининг ер майдонидан олиб келаётган даромади, учинчидан, ернинг умумий майдони маълумотларидан шаклланади.

Бундан ташқари, кредит қайтарилмаган тақдирда банк қандай механизм орқали гаровга қўйилган ер майдонига бўлган ижара ҳуқуқидан ўз талабини қаноатлантириши мумкин, деган савол туғилиши табиий. Чунки ер амалдаги қонунчилик бўйича давлат мулки ҳисобланади. Бу масалани ҳал этишда Низомда энг мақбул йўл танланган, яъни банкнинг гаровга қўйилган ерга бўлган ижара ҳуқуқини оммавий танлов эълон қилиш орқали сотиб, ўз талабларини қаноатлантириш тартиби белгиланган.

Бундай Низомнинг қабул қилиниши таниқли перулик иқтисодчи олим Эрнандо де Сотонинг **"Капитал жумбоғи. Нега ғарбни гуллатган капитализм дунёнинг бошқа жойларида мағлубиятга учрамокда"** номли асарида кўрсатиб ўтган яна бир муаммони ҳал қилиш, яъни улкан потенциалга эга бўлган ер ресурсларидан капитал (даромад манбаи) ярата олиш, уларга бўлган ҳуқуқларни ҳаракатга келтириб, гаровга қўйган ҳолда кредит олиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имконини ҳам беради. Зеро, бундай тизим ўтиш давридаги бизнесни юритиш билан боғлиқ харажатларни қисқартира олади ва активларнинг юқори ликвидлигини таъминлайди, яъни мукаммал иқтисодий ўсишга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади.

**Махмуд ИСТАМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

---

**Ajab savdolar**

# СОЛИҚЧИ НЕГА АДАШДИ?

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Якка тартибдаги тадбиркор С.Ваҳобов савдо дўкони орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилган ҳолда маҳсулотларнинг асосий қисмини туман ДСИ, ДСЭНМ, ИИБ, ДФХУ, "Ватанпарвар" каби тижорат билан шуғулланмайдиган ташкилот ва корхоналарга охирги истеъмол учун пул ўтказиш йўли билан сотган. Бу ҳолат туман ДСИ томонидан умуман ўрганилмасдан, тадбиркор томонидан нотижорат мақсадларда давлат ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналарга нақд пулсиз товарларни сотганлиги ноқонуний равишда "улгуржи савдо" деб баҳоланган ва нотўғри молиявий жарима қўлланилган.

Шунингдек, 2003 йилнинг 8 февралдан то 14 феврал кунигача 7 кун мобайнида чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатномасиз 2.497.900 сўмлик савдо қилингани учун шу миқдорда жарима қўлланилган. Ваҳоланки, қайд этилган кунларда тадбиркор ҳақиқатдан ҳам, тегишли рухсатномасиз савдо қилган бўлса-да, савдо пуллари тўлиқ давлат банкига топширилган. Бироқ туман ДСИ ходимлари буни инобатга олишмаган. Бу ҳақда С.Ваҳобов қуйидагича изоҳ беради: **"Туман ДСИ менга чакана савдо ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома олмасдан 2003 йил 8 февралдан 13 феврал кунигача 2.479.900 сўм чакана савдо қилган деб, текширмасдан жарима солди.**

**Мен 2000 йилдан буён чакана савдо ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома билан дўконда савдо қилиб келмоқдаман. Солиқ ходимларининг "махсус рухсатнома бир-икки кунга кечикса ҳам савдо қилаверинглар, патент пулини тўлаб турсаларинг бўлади", деган оғзаки топшириқларига асосан иш юритганман. Феврал ойидаги 7 кунлик савдо учун патент ўз вақтида тўлаб борилган. 8 феврал куни мен тадбиркорлар палатасига рухсатномани янгилаш учун тақдим этган эдим. Ўша куни шанба бўлгани сабабли палатадагилар "уч-тўрт кун ичида янгилаб борамиз", дейишди. Шу боис рухсатномани 13 феврал куни олган эдим. Ўша кунлардаги савдо-сотиқ учун солиқ пуллари тўлиқ тўланган. Бу ҳолат бўйича жаримага тортишга асос йўқ деб ҳисоблайман..."**

Шу ўринда касса аппаратида 1800 сўм ортиқча бўлгани учун қўлланилган 544 минг сўмлик молиявий жаримага ҳам бир қадар аниқлик киритиб ўтиш лозим. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, солиқчилар томонидан кассадаги 1800 сўм ортиқча пулнинг мавжудлиги сабаблари ўрганилмаган. Қолаверса, назорат харидида тадбиркор С.Ваҳобов "ижрочи" харидор С.Қўзиевга 3000 сўмлик маҳсулот бериб, ушбу маблағни назорат касса аппаратига кирим қилган, "харидор"га чек тақдим этган. Энг қизиғи, С.Ваҳобовга нисбатан 544 минг сўм молиявий жарима қўллаш ҳақидаги туман ДСИнинг қарори 2 та бўлиб, улар бир кунда, яъни 2003 йил 15 октябрда қабул қилинган. Ажабланарлиси шундаки, ушбу қарорларнинг бирида **"Давлат Солиқ хизмати тўғрисида"**ги қонуннинг 5-моддаси ва Солиқ кодексининг 135-моддасига асосан қарор қабул қилингани баён этилган бўлса, иккинчи қарорда эса **"Давлат Солиқ хизмати тўғрисида"**ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 майдаги 219-сонли, 2001 йил 22 июндаги 264-сонли, 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли, 2002 йил 5 августдаги 280-сонли қарорларига асосланиб расмийлаштирилгани баён этилган.

Тадбиркор бу ҳолни шундай изоҳлайди: **"...2003 йил 16 октябр куни солиқ ходимлари савдо дўконида текшириш ўтказиб, ўша кунноқ 2 та қарор чиқаришган. Лекин ДСИ раҳбарлари ўша куни мени чақириб, ушбу ҳолат бўйича тушунтириш хати олиши, далолатномаларга имзо чектириши лозим эди. Лекин бу иш амалга оширилмади. ДСИ томонидан қабул қилинган бир кундаги 2 та қарорнинг бири 38-рақами билан рўйхатдан ўтказилиб, расмийлаштирилган бўлса-да, иккинчи қарорда сананинг ўзи йўқ..."**

Денов туман ДСИ ходимлари А.Саидов ва Р.Боймирзаев туман ДСИнинг 2003 йил 15 октябрдаги 480-х/сонли буйруғига асосан текшириш ўтказган бўлса-да, негадир улар бу ҳақда **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**га қайд этишмаган.

Адлия бошқармаси ушбу ҳолатларни аниқлаб, текшириш натижалари баён этилган тақдимномани Сурхондарё вилояти солиқ бошқармасига тақдим этди. 2004 йилнинг 12 январ куни ушбу тақдимномага Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Х.Маҳмудовнинг имзоси билан жавоб хати юборилди. Афсуски, тақдимномага жавоб ёзган бошлиқ ўринбосарининг хатини ўқиган киши гап нимадалигини тушуниб етиши қийин. Чунки жавоб хати номигагина "мендан кетгунча, эгасига етгунча", қабилида ёзилган. Бу эса масаланинг юзаки ўрганилганидан далолатдир.

Хуллас, иш судга бориб тақалди. Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан якка тартибдаги тадбиркор С.Ваҳобовга нисбатан Денов тумани ДСИ томонидан 106 миллион 654 минг 719 сўмлик молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарори бекор қилинди. Шунингдек, суд ҳукми билан тадбиркордан ундирилган 20 миллион 654 минг сўм туман ДСИдан тадбиркорга қайтариладиган бўлди. Шу тариқа адолат қарор топди. Бундан хатога йўл қўйган мутасадди ходимлар тегишли хулоса чиқарармикан?

Бизнингча, ҳамма гап шунда.

**Собир КАРИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Интилиш*

---

**Qonun ko`magi**

# ҲАЙДАРОВ ФЕРМЕР БЎЛДИ

Инсон кўнгли шундай бир орзумандликка мойилки, ўзи эришмаган ёки етолмаган иши доимо яхши кўринаверади. Мана бир мисол. Сайҳунобод туманидаги айрим фермерлар ҳосилни етиштириб бериш бўйича шартномавий режани бажаришни удда қололмай, энди юзини қаёққа яширишни билолмай юришибди. Айни вақтда эса иқтисодий ночор қишлоқ хўжалик корхоналари тугатилиб, ерлар фермер хўжаликларига бўлиб берила бошлагач, талабгорлар сони ортгандан ортиб бормоқда.

Уларга шу қизиқ кўринаяптими, демак, орзусига етишлари керак. Лекин бу осон эмас. Мана, Амир Темур номидаги хўжаликдаги оилавий пудрат бошлиғи Фарҳод Ҳайдаров уч йил овораи-сарсон бўлиб фермер бўлолмади. Эҳтимол, кўнгли бўшроқ киши бўлганида, "туман ҳокимлигининг менга муносабати ҳозирдан шунча совуқ бўлса, кейин ўзимга душман орттириб юраманми" деб ҳафсаласи пир бўларди.

Бироқ Ф.Ҳайдаров масалага баттар ўчакишди. Воқеа 2000 йил декабрда бошланган. Оила пудратчиси Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги бошқарувига ўзи ишлаётган ерда фермер хўжалиги ташкил этишга ижозат берилишини сўраб, ариза билан мурожаат этди. 2001 йил 25 июлда хўжаликнинг умумий йиғилишида ариза муҳокама этилиб, Ф.Ҳайдаровга 336-сонли контурдан 18 гектар майдонни фермер хўжалиги ташкил этиш учун 25 йилга ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорни фуқаролар йиғини тасдиқлади ва туман ҳокимлигидан қарорни тасдиқлаш сўралди. Ҳатто бўлажак қарор лойиҳаси ҳам тақдим этилди.

Бўлажак фермер вақтни бой бермаслик учун хўжаликка "Қўчқор ота" номини қўйдириб, зарур ҳужжатларни тўплашга киришди. Аммо туман ҳокимлигидан қарорни тасдиқлаш тўғрисида хабар келмади.

Кутилмаганда ширкат хўжалигининг 2001 йил 9 октябрдаги вакиллар йиғилиши томонидан шу кунгача туман ҳокимлиги рўйхатидан ўтмаган қарорларни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бироқ бу хўжаликнинг қарорлар китобида расмийлаштирилмади ва хўжаликда мавжуд эмас. Агар мавжуд бўлганида ҳам бу қарор **"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"**ги қонун талабларига мутлақо зид бўлар эди. Яъни, умумий йиғилиш қарорини бекор қилиш ваколати вакиллар йиғилишига берилмаган. Чунки умумий йиғилиш қарори ушбу қонуннинг 11-моддасига мувофиқ чиқарилган ва шу асосда туман ҳокимлиги қарор қабул қилиши мажбурий эди. Аммо қарор лойиҳаси, хўжалик номи, тамғаси, муҳри нусхалари тайёрлаб қўйилганига қарамай, туман ҳокимлиги "Қўчқор ота" фермер хўжалигини ташкил этиш ҳақидаги қарорни расмийлаштирмади, турли баҳоналар рўкач қилиниб, фермер хўжалигига ер ажратиб бериш масаласи пайсалга солинди.

Шундан сўнг вилоят адлия бошқармаси Сайҳунобод тумани ҳудудида фермер хўжаликларига ижарага ер ажратиб бериш комиссиясига фермер хўжалиги ташкил этиш учун хулоса бериши ҳақида тақдимнома киритди. Тумандагилар **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонуннинг 9-моддасини рўкач қилиб, тақдимномани бажаришдан бош тортишди. Ваҳоланки, туман ер ресурслари хизмати бошлиғи Х.Барбаровнинг ёзишича, пудратчи Ф. Ҳайдаровга тегишли 336-контурдаги ер майдонини "Исмоил" фермер хўжалигига қўшиб бериш ҳақида умумий йиғилиш қарори мавжуд эмиш. Ерни қўшиб олиш ҳақида "Исмоил" фермер хўжалиги раиси И.Нормирзаев ер ресурслари хизматига мурожаат қилганмиш.

Энди энг оддий ҳақиқатнинг қўпол тарзда бузилганини қаранг. Бирон-бир фермер хўжалиги раиси яна ер олишни истаб қолиб илтимоснома ёзадими, ариза ёзадими, бундан қатъи назар, оила пудратчисига берилган ерни ҳали шартнома муддати тугамасдан ва ер олиб қўйилишини асослаб бермасдан туриб, бошқага тақдим этиб юбориш мумкин эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори билан тасдиқланган **"Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида"**ги Тартибнинг 17-бандига кўра, туман ҳокими хўжалик томонидан тақдим этилган ҳужжатларни тегишли муддатда кўриб чиқиб, қарор қабул қилиши лозим. Туман ҳокимлиги эса 2001 йилдан буён пудратчининг қонуний манфаатларини қўпол равишда бузиб, фермер хўжалиги тузилишига тўсқинлик қилиб келган. Ҳокимлик вакили Бахтиёр Ниёзовнинг тушунтиришича, ширкат хўжалигининг 2001 йил 25 июлдаги умумий йиғилиши қарори 2001 йил 9 октябрдаги вакиллар йиғилиши қарори билан бекор қилинган экан. Шу сабабли аввалги қарор ҳокимият томонидан тасдиқланмаганмиш. Бу масъул идоранинг вакилидан эшитиш жуда ноқулай бўлди. Ахир, туман ҳокимлиги хўжалик умумий йиғилишининг 25 июлдаги қарорини 9 октябргача нега кўриб чиқмади ёки жавоб бермади?! Орадан икки ярим ой вақтни ўтказиб, вакиллар йиғилиши қарорини кутиб ўтириш, бу атай уюштирилган ҳолат эмасми?..

Яна бир муҳим маълумот: Ф. Ҳайдаров пудратчи сифатида режасини доимо ошириб бажариб келган. Бироқ фермер хўжалиги ташкил этишга келганда, тўсқинликка дуч келган.

Вилоят адлия бошқармасининг пудратчи Ф.Ҳайдаров манфаатини кўзлаб, Сирдарё туманлараро фуқаролик судига берган даъво аризаси қаноатлантирилди. Туман ҳокимлигига хўжалик умумий йиғилишининг 2001 йил 25 июл қарорини тасдиқлаш ва хўжалик вакиллар йиғилишининг 2001 йил 9 октябр, эги қарорининг Ф.Ҳайдаровга тегишли қисмини бекор қилиш мажбурияти юклатилди.

Қисқаси, қонуннинг қўли баланд келди. Ф.Ҳайдаров фермер бўлди.

**Комилжон БОТИРОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

---

**Taajjub**

***2003 йилнинг 18 апрел куни Булунғур туманидаги собиқ "Ғўбдин" ширкат хўжалиги раҳбари Р.Улуғбеков хусусий тадбиркор Абдураззоқ Жуманов билан помидор кўчати сотиб олиш ҳақида қонуний шартнома тузишади. Унга биноан тадбиркор бир миллион туп помидор кўчати етказиб бериш, ширкат хўжалиги эса ҳар бир тупга 1 сўму 50 тийиндан ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.***

# ЭГАСИЗ ҚАРЗ

## ёхуд суд қарори қачон ижро этилади?



**Мазкур шартнома асосида А.Жуманов "Ғўбдин" ширкат хўжалигига 2003 йил 9 июн куни 220 минг туп, 20 июн куни 293 минг туп, 21 июн куни 4 минг туп помидор кўчати етказиб берган.**

**Кўчатлар экилиб, ҳосили ҳам йиғиб олинади. Бу орада ширкат хўжалигида икки марта раҳбар алмашади. Лекин хусусий тадбиркор Абдураззоқ Жуманов ҳамон етти юз етмиш беш минг беш юз сўмлик кўчат пулини ололгани йўқ. Ширкат хўжалигининг янги раҳбарлари барча айбни собиқ раҳбар Р.Улуғбековга тўнкашди. Хусусий тадбиркор суднинг ҳал қилув қарорига эга бўлсада, у ижро этилмаяпти. Ҳозирда ширкат хўжалиги тугатилиб, фермерлар уюшмасига айлантирилган. Шу тариқа қарзни тўлашга эга топилмаяпти.**

**Тадбиркор А.Жумановнинг қўлида фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг 2003 йил 29 май куни Булунғур туманидаги Фозил Йўлдош номидаги ширкат хўжалигидан 492 минг сўм ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарори ҳам бор. Бироқ ушбу қарор ижроси ҳам амалга ошмаяпти.**

**Хуллас, суд қарорларининг ижроси таъминланмаётгани тадбиркорни қийин аҳволга солиб қўйган. Қарздор томон эса қарзни тўлашни ҳар хил баҳоналар билан пайсалга солиб келмоқда. Бу ҳолни мутасаддилар қандай изоҳлашар экан?**

**Дилмурод САЙЙИД,**
**журналист**

Huquqiy ma`rifat

# ҲУКМ

## УНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ НИМАДАН ИБОРАТ?

***Суд ҳукми муҳим ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Чунки шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши ҳукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига боғлиқ. Қонуннинг барча талабларига риоя этилган ҳолда чиқарилиб, қонуний кучга кирган суднинг ҳукми бўлмай туриб, ҳеч ким жиноят содир қилишда айбдор, деб топилиши мумкин эмас. Ҳукмда жиноий жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан иккита масаланинг бири ҳал этилади.***

Биринчидан, шахснинг жиноят содир этишда айби мавжуд эмас, деб топилган ҳолларда оқлов ҳукми чиқарилади. Иккинчидан, жиноят содир этишда айбли деб топилган ҳолларда Жиноят кодексининг жавобгарликни назарда тутувчи меъёрларини қўллаган ҳолда унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилади. Ҳукм суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади.

Шуни эътиборга олиш керакки, ҳар доим ҳам судлар томонидан чиқарилаётган ҳукм ЖПКнинг 455-моддасида белгиланган қонунийлик, асослилик ва адолатлилик мезонларига мос бўлавермайди. Аниқроқ айтганда, баъзи ҳолларда ҳукм судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зид равишда чиқарилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда шахснинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва тиклашга бўлган зарурий эҳтиёж вужудга келади. Бу ҳолат қонунчиликда муайян ҳуқуқий институтларни белгилаш билан таъминланади. Ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш институти бевосита юқорида келтирилган зарурий эҳтиёжни таъминлашга қаратилган жиноят процессуал қонунчилигининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади.

Бу судланувчининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, судлар томонидан чиқарилаётган ҳукмларнинг сифатини ошириш, судлар фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминловчи давлат ҳокимияти идораси эканини амалда намоён қилиш, фуқароларнинг қонунларга ҳурматини ва ишончини ошириш, юқори инстанция судлари фаолияти устидан назорат ўрнатиш учун хизмат қилади.

Қонунчиликда ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин бўлган ҳолатларнинг аниқ рўйхати келтирилган. Чунончи, ЖПКнинг 484-моддасига асосан апелляция, кассация ёки назорат тартибида ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қуйидагилар асос бўлади.

**1) суд терговининг тўлиқ эмаслиги ёки бирёқлама олиб борилгани;**

**2) ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмаслиги;**

**3) Жиноят Процессуал кодекси талабларининг жиддий бузилгани;**

**4) Жиноят кодекси меъёрларининг нотўғри қўлланилгани;**

**5) жазонинг адолатсизлиги.**

Дастлабки тергов ва суд терговининг камчиликларини ишни апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш пайтида бартараф этишнинг имконияти бўлмаса, ҳукм бекор қилиниши лозим.

Мазкур модда императив аҳамиятга эга бўлиб, баён этилган асослардан бошқа ҳолатлар ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўла олмайди.

Ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш деганда ЖПКнинг 484-моддасида келтирилган асослар мавжуд бўлган ҳолларда юқори инстанция суди томонидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда чиқарилган ҳукмнинг бир қисмини ёки тўлиқлигича юридик кучини йўқотган, деб топилиши тушунилади. Демак, ўзгартирилган ёки бекор қилинган ҳукм қисман ёки тўлиқ юридик кучини йўқотади.

Эътиборга олиш лозимки, ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун қонунчиликда назарда тутилган асосларнинг мавжудлиги факти ҳукмни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун етарли эмас. Бунинг учун яна бир мажбурий юридик фактнинг бўлиши талаб этилади. Бу ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақида юқори инстанция судларига апелляция, кассация тартибида шикоят (протест)ларнинг берилиши ёки назорат тартибида протестларнинг келтирилиши фактидир. Демак, ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масаланинг кўрилиши учун юқорида қайд этилган икки ҳолат бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиши шарт. Агар улардан бири мавжуд бўлмаса, ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласининг кўрилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар хусусида қонунчиликда қатъий меъёрлар белгиланган.

ЖПКнинг 485-моддасига асосан иш бўйича:

**1) ушбу кодекснинг 82-84-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар етарлича аниқланмаган бўлса;**

**2) кўрсатмалари ишни ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган шахслар сўроқ қилинмаган, зарур бўлишга қарамай экспертиза ўтказилмаган, шунингдек, ҳужжатлар ва ашёвий далиллар талаб қилиб олинмаган ёки натижалари иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган бошқа тергов ҳаракатлари ўтказилмаган бўлса;**

**3) иш қўшимча терговга ёки янгитдан судда кўришга юборилган бўлса, суднинг ажримида ёки қарорида баён қилинган ҳолатлар текширилмаган бўлса, дастлабки тергов ёхуд суд тергови тўлиқ эмас ёки бирёқлама ўтказилган деб эътироф этилади.**

Мазкур модданинг биринчи қисмида баён қилинган ҳолат хусусида айтиб ўтиш жоизки, ЖПКнинг 82-моддасида айблаш ва ҳукм қилиш учун асослар кўрсатилган бўлиб, суд айблов ҳукми чиқариш вақтида ЖПКнинг 9 боб, 85-95-моддаларига асосланган ҳолда биринчидан, жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар, иккинчидан, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек, Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлар, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш, учинчидан, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилгани, тўртинчидан, жиноят эгри ёки тўғри қасд билан ёхуд беparволик ёки ўзига-ўзи ишониш оқибатида содир этилгани, жиноятнинг сабаби ва мақсадлари, бешинчидан, айбланувчи ва судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар исботланган бўлиши керак. Ушбу ҳолатларни исботлаш жараёнида дастлабки тергов идораси ёки суд томонидан ЖПКнинг 9 боб 85-95-моддаларида белгиланган исботлаш тартибларидан бирортаси бузилган ҳолда чиқарилган ҳукм ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши лозим бўлади.

ЖПКнинг 486-моддасига асосан қуйидаги ҳолларда жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ эмас, деб эътироф этилади:

**1) суд хулосалари суд мажлисида кўрилган далиллар билан тасдиқланмаган бўлса;**

**2) суд хулосасига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ҳисобга олмаган бўлса;**

**3) иш учун аҳамиятли ҳолатлар оид далиллар бир-бирига зид бўлгани ҳолда, суд қайси асосларга кўра далиллардан баъзиларини ишонарли деб топиб, бошқаларини рад этгани ҳукмда кўрсатилмаган бўлса;**

**4) суднинг ҳукмида баён қилинган хулосаларида жиддий зиддиётлар мавжуд бўлиб, улар судланувчининг айблилиги масаласини ҳал қилишга, Жиноят кодекси меъёрларини тўғри қўллашга ёки жазо чорасини белгилашга таъсир кўрсатган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлса ва юқори судда бу зиддиятларни бартараф этиш имконияти бўлмаса.**

Биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган ҳукмнинг апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги текширилиши вақтида юқорида келтирилган асослар мавжудлиги аниқланган ҳолларда ҳукм ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши лозим. Бу ўринда ЖПКнинг 486-моддаси 4-бандида белгиланган ҳолат ўзига хос хусусиятга эга. Бу ҳолат суднинг ҳукмда баён қилинган хулосаларидаги жиддий зиддиятларнинг бартараф этилиш имкониятининг хусусиятига бевосита боғлиқ бўлиб, ҳукмни ўзгартириш ёки ўз кучида қолдириш ёхуд ҳукмни ўзгартириш ёки бекор қилиш аҳамиятига эгалигини англатади. Агар суднинг ҳукмда баён қилинган хулосаларидаги жиддий зиддиятларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлса, бундай ҳолларда ҳукм ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Баён этилган қоидалар суд ҳукмининг одиллиги ҳамда қонунийлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис судлар уларга қатъий амал қилиши лозим.

**Мурод ЎРОЗАЛИЕВ,**
**Комил ЯРМАТОВ**

Ogohlikka da`vat

# НИҚОБЛАНГАН ХОМХАЁЛ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Учинчидан, Расул акрам (с.а.в.)нинг "Халифалик мендан сўнг ўттиз йилдир, ундан сўнг подшоҳлик бўлади", дея қилган башоратини тарих исботлади. «Хулафои Рошидийн»лар – Абу Бакр ас-Сиддиқ (632-634 йй.), Умар ибн ал-Ҳаттоб ал-Форуқ (634-644 йй.), Усмон ибн Аффон (644-656 йй.), Али ибн Абу Толиб (656-661 йй.) ўттиз йил мобайнида ислом ғоялари асл ҳолда сақланиб қолишига хизмат қилдилар.

Пайғамбаримиз вафотидан сўнг ўттиз йиллик халифалик зарурати шу билан изоҳланадики, у даврда исломни энди қабул қилган, иймонлари мустаҳкам бўлмаган мўмин-мусулмонлар кўп бўлиб, улар Пайғамбар вафотини исломнинг инқирози деб тушуниб, диндан қайтишлари эҳтимоли узоқ эмасди. "Хулафойи Рошидийнлар" давридан кейинги халифалик, амирлик ва подшоҳликлар фақат салтанат ва тахт талашиб, мусулмонлар қонини тўккани, нотинчлик келтириб чиқарганига тарих гувоҳ.

Тўртинчидан, ҳар қандай жамият учун, у қайси замон ёки маконда бўлмасин, раҳбар ёки етакчи бўлиши ҳаётий зарурат. Пайғамбаримиз ҳам ўзидан кейин ўринбосар – халифа бўлишини лозим топганки, мақсад жамият учун бошқарувчи бўлишини таъминлаш эди, десак, адашмаймиз.

Бешинчидан, нафақат фуқаролари мусулмон бўлган давлатлар, балки икки мусулмон араб давлатининг бирлашиши воқеликдан йироқ эканини аллақочон ўз исботини топган. 1958 йилда Бирлашган Араб Республикасига бириккан Миср ва Сурия халқлари бир тилда сўзлашади, бир динга эътиқод қилади, турмуш тарзи анъаналари ҳам ўхшаш, бироқ шунга қарамай бу иттифоқ атиги уч йил умр кўргани тарихий ҳақиқат.

Олтинчидан, XXI асрда дунёвий, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш сари интилаётган мамлакат халқини тараққиётдан узиб, ўрта асрларга хос расм-русум ва анъаналар асосида ҳаёт кечиришга мажбурлаб бўлармикин? "Толибон" ҳаракати зулми ва зўравонлигидан чарчаган афғон халқи эмин-эркин ҳаётни ғоят шоду хуррам кутиб олганига гувоҳ бўлдик-ку!..

Еттинчидан, "ҳизбчилар" нега халқи исломий ақида ва қадриятлар асосида яшаётган мамлакатларда халифаликни тиклашга уринмай, бу чиркин ниятларини минтақамизда амалга оширишга уринмоқда, деган ҳақли савол туғилади. Бу ҳақда фикр юритганда, мустаҳкам асосларга эга бўлган макондан кўра мустақил тараққиёт йўлини танлаб, энди оёққа тура бошлаган мамлакатда ўз чиркин мақсадларини амалга ошириш осон туюлишини эътиборга олиш лозим.

Юқоридагилар умумлаштирилса, "Ҳизбут-таҳрир"нинг халифаликни тиклаш ғояси мутлақо асоссиз бўлгани каби унда холисликдан асар ҳам йўқ: у ислом таълимотидан узоқ, демократик — ҳуқуқий давлат конституциясига зид, халқ хоҳиш-истакларига ёт, юртдошларимизнинг эътиқод эркинлигини суиистемол қилиб, қон тўкиб, сиёсий ҳокимиятга интилишдир, деган хулосага келиш мумкин.

Бу сохта ва ёвуз ғоя тарафдорларининг ҳаракатлари йўлида қўллаётган восита ва усуллари ҳам динимиз аъмолларига ёт, инсоний туйғу ва қадриятларига бегона бўлиб, бу ҳам уларнинг асл қиёфасини фош этади. Улар исломни тарғиб қилиш эмас, балки ундан ўз разил ва тубан мақсадларига эришиш учун фойдаланмоқда.

Хўш, бу нималарда кўринади?

Ҳаммамиз яхши биламиз, Қуръони каримда бировнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Унда айтилишича, бир бегуноҳ одамни ўлдириш – бутун оламни ўлдириш билан тенгдир. Шу нуқтаи назардан ўзини "ҳақиқий мусулмон" деб ҳисоблайдиган, лекин қилмиши қўпорувчилик, ҳунрезлик, қотилликдан иборат бу кимсаларнинг мусулмончиликка қандай дахли бор?!

Хулоса ўрнида таъкидламоқчимизки, ҳозирги мураккаб ва таҳликали бир пайтда ҳақиқатни ёлғондан, дўстни душмандан ажратиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида қайд этганидек, **мана шундай қабиҳ кучлар муқаддас туйғуларимизни оёқости этса, куппа-кундузи дину диёнатимизга туҳмат қилса, бунга бепарво қараб, бефарқ бўлиб туришга бизнинг ҳаққимиз борми? Кўксида озгина виждони, иймони бор ҳар қандай одам бундай ярамас ишларни кўрганда ёниб кетмайдими?**

Демак, ислом дини номидан қўпорувчилик, бузғунчилик қилаётган кимсаларни жиловлаб қўйиш ҳар бир иймонли кишининг, ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир.

**Муҳаммад ЙЎЛЧИ**

Sud islohotlari

# ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

**Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар эркин фуқаролик ва ҳуқуқий демократик жамият барпо этишга йўналтирилган. Ана шу ислоҳотлар натижасида суд ҳокимияти мустақиллиги тобора мустаҳкамланиб, судлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолатига айланиб бормоқда.**

**Маълумки, мамлакатимиз Конституциясининг 114-моддасида суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий экани белгилаб қўйилган. Бу борада "Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани муҳим аҳамият касб этмоқда.**

**Зеро, ҳар қандай суд ҳужжатлари ўзининг ижроси билан кучли. Шу боис ушбу қонун суд ҳужжатларининг ижросини таъминлаш орқали фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.**

**Қонуний кучга кирган суд қарорлари барча давлат идоралари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қарорни қабул қилган суд берадиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.**

**Ижро варақаси ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг суд томонидан суд ижрочисига берилади. Дарҳол ижрога қаратилиши лозим бўлган ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари бўйича ижро варақалари эса ҳал қилув қарори чиқарилган пайтдан бошлаб ижрога қаратилади. Суднинг ҳал қилув қарори, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қонуний кучга кирган пайтидан бошлаб уч йил ичида мажбурий тартибда ижро этиш учун топширилади. Даврли тўловларни ундириш учун берилган ижро варақалари эса бу тўловлар ундириладиган бутун давр ичида ижрога топширилиши мумкин.**

**Суд қарорлари ижроси ихтиёрий равишда ижро этиш учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаган тақдирда ижро учун масъул шахслар тегишлича жаримага тортилиши мумкинлиги ҳам фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинганлигидан далолатдир.**

**Ф.СУВОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Muloqot

# УЧ САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

**1.САВОЛ:** ***Ходимнинг розилигисиз иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси ўзгартирилиши мумкинми?***

**ЖАВОБ:** Иш берувчи томонидан ходимнинг розилигисиз меҳнат шартномаларини ўзгартиришга фақат технология, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар (маҳсулот, хизматлар) ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир. Бундай ҳолда Меҳнат кодексининг 89-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, тилхат олиши шарт.

**2. САВОЛ:** ***Маъмурий қамоқ нима? У қанча муддатга белгиланиши мумкин?***

**ЖАВОБ:** Маъмурий қамоқ «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 23-моддаси 1, 2, 3, 4, 5-бандларида санаб ўтилган маъмурий жазо турларидан бири бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этгани учун қўлланиладиган жазо чорасидир.

Маъмурий қамоққа олиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан ва ҳарбий комендант ёки ички ишлар бўлими бошлиғи томонидан белгиланади ҳамда уч суткадан 15 суткагача муддатга, фавқулодда ҳолатларда жамоат тартибини бузганлиги учун 30 суткагача муддатга қўлланилади. Ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига маъмурий қамоққа олиш чораси қўлланилмайди.

**3. САВОЛ:** ***Шахсни ушлаб туришдан мақсад нима ва ушлаб туришнинг муддати қандай белгиланади?***

**ЖАВОБ:** Ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир. Бу ҳақда ЖПКнинг 220-235- моддаларида тўлиқ маълумот берилган. ЖПКнинг 226-моддасига кўра, ушлаб туриш муддати етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Алоҳида ҳолларда фақат прокурорнинг рухсати билан ўн кунлик қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилади ва шу муддат ичида гумон қилинувчига нисбатан айб эълон қилинмаса, у қамоқдан озод қилинади.

**Адҳам ОДИНАЕВ тайёрлади.**



*Аждодлар хотирасига эҳтиром*

Jahon tajribasi

# САЙЛОВ ЦЕНЗЛАРИ

Халқаро қонунчиликда фаол ёки суст сайлов ҳуқуқини амалга ошириш учун белгиланган шарт ва чекловлар тизими ҳисобланган сайлов цензларига амал қилинади. Цензлар турли хил бўлиши мумкин. Жинс ва ёш цензи (аёлларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишга рухсат бериш ёки чеклаш, муайян ёшга тўлганда сайлов ҳуқуқини амалга ошириш); ижтимоий ва мулкий, маълумотлилик даражаси, ўтроқ (тегишли ҳудудда доимий ёки муайян вақт давомида яшагани), фуқаролик (мамлакат фуқаролари сайлов ҳуқуқини бериш ёки чет эл фуқаролиги ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг сайлов ҳуқуқини чеклаш) шулар жумласидандир.

Тарихга назар ташласак, цензлар турли даврларда ҳар хил қўлланилган. Масалан дастлаб сайлов ҳуқуқи фақат эркакларга берилган, XX асрда эса эркаклар ва аёллар ҳуқуқи тенглаштирилган. XIX-XX асрларда табақавий ва мулкий цензлар кенг қўлланилган. Табақавий ценз шундан иборатки, муайян табақага мансуб бўлган аҳолининг сайловларда иштирок этишига йўл қўйилмаган.

Айрим давлатларда қуйидаги цензлар мавжуд: ёши (кўпчилик давлатларда), ижтимоий (Буюк Британия ва Францияда ҳарбий хизматчилар сайловда иштирок этмайди), сиёсий (Индонезияда компартия аъзолари сайловларда қатнашмайди), ўтроқлилик цензи (Бельгия, Австрия, Швеция, Голландия, Германия давлатларида номзоднинг муайян ҳудудда вақтинчалик ёки доимий яшаши). Фаол сайлов ҳуқуқида ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бунда фуқаро вояга етиши билан давлат ҳокимиятининг бошқарув идораларида бўладиган сайловларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Мисол учун айтсак, Бразилияда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара анча юқори қўйилган. Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Францияда ҳам сайлов ҳуқуқига эга бўлиш 1974 йил 5 июлдаги қонун билан 18 ёш қилиб белгиланган.

АҚШ Конституциясида суст сайлов ҳуқуқига оид меъёрлар ҳам белгиланган бўлиб, унда Президент, вице-президент, Сенат ва вакиллик палатаси аъзолигига номзодлар учун қўйилган талаблар кафолатланган. Фаол сайлов ҳуқуқига оид меъёрлар кейинчалик Конституциядаги тузатишларда акс этган. Хусусан, XV - тузатишда (1970 йил) сайловларда ирқий камситилиш таъқиқланган бўлса, XIX тузатишда (1920 йил) аёлларга сайлов ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, XXIII тузатишда (1961 йил) Колумбия федерал округи аҳолисига Президент сайлов коллегияси аъзосини (вакилини) сайлаш, XXI тузатишда (1964 йил) солиқ ёки бошқа турдаги тўловларни тўламаганлик оқибатида сайлов ҳуқуқини чеклашни таъқиқлаш, XXVI тузатишда (1971 йил) 18 ёшдан фуқароларга овоз бериш ҳуқуқи берилгани қонун асосида белгилаб қўйилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кўпгина мамлакатларда ўтган асрнинг 60-70 йилларида қабул қилинган фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларда мансабдор шахслар томонидан фуқароларга овоз беришда қатнашиш ҳуқуқи рад этилганда улар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи белгилаб қўйилди ҳамда бир вақтнинг ўзида саводлилик ва маълумот олганлик цензлари олиб ташланди. Фаол сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун 18 ёшга тўлган ва маҳаллий ҳудудда муайян вақт (Президент сайловида 30 кун, бошқа сайловларда 3 ойдан 1 йилгача) яшаган бўлиши керак. Овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар рўйхатига руҳий касаллар ва озодликдан маҳрум этилганлар киритилмаган. Айрим штатларда маҳаллий сайловларга дайдиларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Фуқаролик цензи барча давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда бундай цензнинг йўқолиб кетишини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Европа Иттифоқининг Парламентига сайловлар пайтида Францияда бўлган Германия фуқароси Франциянинг Европа Иттифоқи Парламентига вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қоида Европа Иттифоқига асос солган 1992 йилги Маастрихт шартномасида кўзда тутилган.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар сайлаш ҳуқуқидан фойдалана олмайди, яъни озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганларнинг сайлаш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади.

Фаол сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқидаги ёш цензи турли давлатларда аҳолининг барча тоифаси учун бир хил белгиланса, суст сайлов ҳуқуқида ёш цензи номзоднинг қайси идорага сайланаётганлигига қараб турлича белгиланиши мумкин. Масалан, Францияда Миллий Мажлис депутатлиги, Президентлик ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўлиши шарт. Бундан ташқари, барча номзодлар ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, сайланиш ҳуқуқига баъзи мамлакатларда анча юқори талаблар мавжуд. Италияда сенатор бўлиш учун номзод 40 ёшга тўлган бўлиши шарт. Сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйилиши мумкин. Масалан, Европа Парламентига номзоди қўйилган француз фуқаросидан 1500 евро гаров маблағи талаб қилинади.

Кўриниб турганидек, сайлов цензлари турли мамлакатларда турлича амал қилади ва улар фуқаролар ҳуқуқининг муҳим белгиси ҳисобланади.

**Садриддин ХИДИРОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

Jinoyat va jazo

# ТАРБИЯСИЗЛИК МЕВАСИ

***Дунёнинг ишини қарангки, фарзанд ўз отаси умрига қасд қилди. Ҳақли савол туғилади: Бу фожиа қандай рўй берди? Фарзанд нима учун бу жиноятга қўл урди? Бу каби саволларга жавоб излашдан олдин, келинг, бу ҳақда машъум жиноят ишига дахлдор, гувоҳ бўлган шахсларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутайлик.***

***— Марҳум Абдураззоқ менга туғишган ука бўларди, (исм-шарифлар шартли равишда ўзгартирилди), — дейди жабрланувчи Йўлдошали Тоғаев, — судланувчи Шерзод унинг катта ўғли эди. Яшириб нима қилдим, гапнинг сирасини айтганда, укам ўғлига яхши тарбия бера олмади. Уни болалигидан эркалатиб, талтайтириб ўстирди. Нима деса, ҳаммасини бекаму-кўст муҳайё қилди. Аммо меҳнат қилишга, ҳалол яшашга ўргатмади. Шунинг оқибатида Шерзод ишёқмас, дангаса ва эрка бўлиб вояга етди.***

## СУД ОЧЕРКИ

Ана шундай феъл-атвори туфайли у бир неча марта судланди, ҳатто қамалиб чиқди. Кейинчалик ота-ўғил ўртасида "Нексия" автомашинаси туфайли можаро келиб чиқди. Укам ўғлига Ҳамза шаҳарчасидан икки хонали уй сотиб олиб берди. Бунинг устига "Жигули" автомашинасини совға қилди. Шерзод бўлса, укамдан "Нексия" автомашинасини олиб беришини талаб қилди. Бироқ отаси бунга кўнмади. Шундан сўнг ана шу кўргулик рўй берди.

— Ўша куни рўй берган мудҳиш воқеа кечагидек ёдимда, — дейди гувоҳ С.Раҳмоналиев, — соат чамаси кундузги учлар эди. Абдураззоқ билан бирга "Бозорбоши" кўчаси бўйлаб кетаётган эдик. Кутилмаганда Абдураззоқнинг катта ўғли Шерзод орқа томондан "Жигули"да келиб отасини уриб юборди. Кейин у машинани тўхтатмасдан ўтиб кетди. Бироздан сўнг яна машинасини орқага қайтарди. Қарасак, ерда йиқилиб ётган Абдураззоқнинг устига машинани тўппа-тўғри ҳайдаб келяпти. Биз шоша-пиша Абдураззоқни четга тортиб олдик.

— Деҳқон бозоридаги чойхонада Абдураззоқ, Акрам ака, Комилжон ва бошқалар билан тушлик қилаётгандик — дейди яна бир гувоҳ М.Хонкелдиев. — Бир вақт кутилмаганда Шерзод кириб келди. У отаси Абдураззоқ ака билан "Нексия" устида талашиб, жанжал қилди. У отасига қараб, «агар "Нексия"ни бермасангиз, ўлдираман», деди.

— Қарасак, ота-бола бирбири билан жиққамушт бўлиб ёқалашиб турибди, — дейди яна бир гувоҳ К.Маматов. — Биз уларни ажратиб қўйдик. Ўғил отасидан баланд келди. Уни ҳақоратлади. "Агар тинчгина "Нексия"ни бермасангиз, ўзингиздан кўринг", дея Шерзод "Жигули"сини миниб бозорчадан чиқиб кетди. Биз чойхонадан қўзғалдик. Бир пайт қассобхона тарафда одамларнинг бақир-чақири эшитилди. Биз нима гап экан, дея ҳайрон бўлганча ўша ёққа югуриб бордик. Ерда Абдураззоқ ётибди. Ўғли бўлса, унинг устига яна машинасини ҳайдаб келаяпти... Биз шоша-пиша Абдураззоқни чеккага тортиб олдик. Ниятига ета олмаган Шерзод машинаси билан қаёққадир ғойиб бўлди. Абдураззоқни эса касалхонага олиб бордик.

Шу воқеалар туфайли Абдураззоқ аканинг хотини — Раҳима опа икки ўт орасида қолди. Мазкур воқеа юзасидан суд тиббий экспертизанинг 37-сонли хулосасида қуйидагилар баён этилган эди: **А.Тоғаевнинг ўнг кичик болдир суягини ёпиқ синиши, пешона ва чап ёноқ соҳаларини урилиб йиртилган яралари, ўнг болдир соҳаларини қон талашлари ва иккала ўнг кафтининг шилинмалари каби жароҳатлар етказилган. Бу жароҳатлар ўртача оғирликдаги шикастлар тоифасига киради.**

Бу воқеадан сўнг Абдураззоқ ака анча вақт касалхонада даволанди. Аммо ўғлини қаматиб юборибди, деган иснодга қолишдан чўчидими, ҳарқалай, ҳеч кимга шикоят қилмади. Аммо бунга қарамай ўғли билан ўртасида чуқур адоват пайдо бўлди. Хотини бечора эрини деса, бу ёқда ўғли, ўғлини деса, эри...

— Ҳой дадаси, — дея ўртага тушди аёл, — Шерзодингизнинг авзойи бузуқ. Шу машина ўлгурни беринг.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

# ТАРБИЯСИЗЛИК МЕВАСИ

## СУД ОЧЕРКИ

*(Давоми. Боши учинчи бетда)*

Сиз ҳам, мен ҳам тинч яшайлик...

— Илгари бермоқчи бўлсам ҳам, — деди эр тутаққан куйи, — энди "Нексия"нинг калитини ҳам ушлатмайман. Ҳамма бало сенда. Агар ўғлингникига борадиган бўлсанг, тўрт томонинг қибла...

Хуллас, кунлар шу зайлда ўта бошлади. Ота ўғлига, ўғил отага қовоқ очмай қўйди. Ҳадеганда ўртадаги гина-кудрат кўтарилмади, аксинча, баттар чигаллашиб бораверди.

Ўша кун ҳаддан ташқари кучли шамол қўзғалган, беҳаловат оқшом эди. Оила аъзоларининг аксарияти ярим тунгача телевизор кўриб ўтиришди. Кейин оила бошлиғи дам олиш учун ўз хонасига кириб кетди. Бироқ у хонага шу кирган куйи қайтиб чиқмади.

— 30 март куни, — дейди судланувчи Шерзод Тоғаев, — соат 22 ларда уйга дадамдан кечирим сўраш учун келгандим. Бироқ дадам мени уйдан ҳайдаб чиқарди. Орадан бир соатлар ўтиб, яна уйга қайтиб бордим. Дадам мени ўз хонасига олиб кириб, ўлдирмоқчи бўлди. У қўлидаги пичоқни чап қўлимга санчди. Кейин қандай воқеа рўй берганини эслолмайман...

— Дадам ўлимидан аввал 10 литр бензин олиб келишимни тайинлаган эди, — дейди Бекзод Тоғаев. — Дадамнинг соғлиғи ҳали тўлиқ тикланмаган эди. 31 март куни эрталаб нонуштадан сўнг дадамнинг хонасига кирмоқчи бўлдим. Лекин янгам мени ичкарига киритмади. Бир вақт ичкаридан акам чиқди. Мени қучоқлаб йиғлаб юборди. Кўнглим бўшашиб, унга қўшилиб мен ҳам йиғладим. Ичкарига кирсам, дадам қип-қизил қонга беланиб ётган экан. Акамни ички ишлар бўлими ходимлари олиб кетишди. Дадам ҳеч қачон ўзи билан пичоқ олиб юрмаган. Пичоқ акамники бўлиши керак...

Судда гувоҳлар Раҳима, Жамила, Сайёра Тоғаевалар ҳам бир хил кўрсатма беришди. Фақат Йўлдошали Тоғаев укасининг ўлимида марҳумнинг хотини Раҳима Тоғаева ҳамда келини Жамила Тоғаеванинг ҳам иштироки борлиги ҳақидаги важларни келтиради. Бироқ бу важ асоссиз деб топилди. Жамила Тоғаева дастлабки терговдаги каби судда ҳам қайнотасини эри ўлдирганлиги ҳақидаги хабарни эрталаб эшитганини, жиноятнинг баъзи изларини яширишда иштирок этганини инкор этмаган ҳолда бу ҳаракатларни эрининг топшириғига асосан, ундан қўрққанидан, ўзи билмагани ҳолда амалга оширганини таъкидлади. У дастлабки терговда қайнотасини эри ўлдириб қўйгани тўғрисидаги хабарни қайнонасидан эшитганини айтган бўлса-да, бироқ у дастлабки терговда юзлаштирилгандаги каби судда бу кўрсатмаларини инкор этиб, қайнонаси ҳеч нарсани билмаганини таъкидлади. Гувоҳ Тоғаева Раҳиманинг ўғлининг қилмишидан фақат эрталаб хабар топганининг ўзи уни жиноятда шерикликда айблаш учун асос бўлмайди.

Қисқаси, мазкур мудҳиш жиноят иши юзасидан жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судида суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд ҳукмига кўра, жиноятчига адолатли жазо тайинланди.

Албатта, ҳар қандай жиноий қилмиш остида кимнингдир ёвуз хатти-ҳаракати, чиркин муддаоси ётади. Бироқ ҳаётда онда-сонда бўлсада, шундай жиноятлар ҳам учрайдики, у ҳар қандай кишини ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Хусусан, юқорида баён этилган

Jinoyat va jazo

мудҳиш жиноят ҳам ана шундай воқеалар сирасига киради.

Хўш, бу воқеа нега рўй берди? Бундай худбинликнинг сабаблари нима билан изоҳланади? Бошқача айтганда, ўғил нега отаси жонига қасд қилди?

Албатта, ўғилнинг ёвуз қилмишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бироқ унинг юрагида бундай худбинлик уруғини ким эккан? У туғилиб ўсган, "тарбия" топган оилада муҳит қандай эди?..

Айтмоқчимизки, ҳамма нарсани оиладаги тарбия ҳал қилади. Муносиб тарбия кўрган фарзанд ҳеч қачон қадамини эгри ташламайди. Бунга ҳаётдан минглаб мисоллар келтириш мумкин.

Юқоридаги воқеа эса тарбиясизликнинг аччиқ мевасидир.

Хулоса ўрнида халқимизнинг содда, лекин сермаъно ҳикматини келтириб ўтмоқчимиз: фарзанд азиз, тарбияси эса ундан ҳам азиз...

**Икромжон МАДАМИНОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Qutlov

# ИЛМ-ФАНГА БАХШИДА УМР



*Профессор Норбой Бекнозовни кўпчилик илм-фан фидойиси сифатида яхши танийди. Чунки у умрини илм-фан тараққиётига бахшида этган инсонлардан бири Қутлуғ етмиш ёшни қаршилаётган олим 1958 йил Тошкент Давлат университетини тамомлаб, иқтисодчи мутахассис сифатида дастлаб ўрта мактабда, сўнгра Ўзбекистон Фанлар академияси иқтисод институтида фаолият юритди. 1970 йилдан 1996 йилга қадар Тошкент Давлат университетида талабаларга сиёсий иқтисод фанидан дарс берди. Бу вақт мобайнида у номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, доцент ва профессор илмий унвонига сазовор бўлди. Кафедра мудири сифатида кўплаб илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилди. Шу боис ҳозирда турли жойларда ишлаётган кўплаб иқтисодчилар Норбой Бекнозовни ўзларига устоз, деб билишади. Тажрибали мураббий 1996 йилдан ҳозиргача Тошкент Давлат юридик институтининг «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Институт жамоаси домлани тажрибали ва билимдон мураббий сифатида ҳурмат қилади.*

*Устозни қутлуғ 70 ёши билан самимий қутлаб, унга соғлик, куч-қувват, илмий ва ижодий ишларига ривож тилаймиз.*

**БИР ГУРУҲ ШОГИРДЛАРИ**

Charxi kajraftor

# ЕБТЎЙМАС ЮҲОЛАР МАВЖУДМИ?

Ёшлигимизда ебтўймас юҳолар ҳақидаги эртакларни эшитганмиз. Улардаги юҳолар ҳар қанча овқат емасин, тўйганини билмас, шунинг учун ҳам олдиларидан чиққан барча нарсани бирваракайига ямламай ютиб кетаверар эди. Сал улғайиб билдикки, ебтўймаслар фақат ривоятларда бўлмас экан. Ҳақиқий ҳаётда эса...

Агар Интернет тизими тарқатган маълумотларга ишонадиган бўлсак, сўнгги пайтларда АҚШнинг еттита шаҳридан ана шундай ебтўймас юҳолар топилган. Тўғри, улар биз ёшлигимизда тинглаган эртаклардаги каби ғалати мавжудотлар эмас. Улар оддий балиқ кўринишида. Узунлиги бир метрлар чамаси чиқадиган бу балиқнинг ташқи кўриниши жуда хунук, деб таърифлашади мутахассислар. Улар ўзлари пайдо бўлган сув ҳавзаларидаги барча тирик жонзотларни еб битиради. Шундан сўнг бошқа сув ҳавзасини "қидириб" кетади.

"Қидириб" сўзини қўштирноқ ичига олганимизнинг боиси шуки, бу ебтўймас балиқлар қуруқликда ҳам бемалол ҳаракатланаверар экан. Улар уч кеча-кундуз сувсиз ҳам яшайверади. Энг ёмони, қуруқликда бўлган пайтларида ҳам уларнинг нафслари тийилмайди. Аниқроқ айтганда, улар бошқа жониворларни ҳам йўл-йўлакай "тановул" қилиб кетаверар экан.

Ушбу ебтўймас балиқлар билан махсус шуғулланаётган олимларнинг маълумотларига қараганда, улар илк маротаба Осиёда аниқланган. Мутахассисларнинг фикрича, улар Америкага Хитойдан келтириладиган балиқлар орасида келиб қолган бўлиши ҳам мумкин.

АҚШ табиат муҳофазаси қўмитаси ходими Жон Сюррикнинг гапига қараганда, асосий масала бу ебтўймас балиқларнинг қаердан келиб қолганида эмас, балки уларни очиқ сув ҳавзаларига чиқиб кетишларига йўл қўймасликда.

Бугунгача АҚШнинг еттита штатида ебтўймас юҳолардан қирққа яқини ушланган. Хайриятки, улар ҳозирча фақат ёпиқ сув ҳавзаларида учрамоқда. Уларнинг очиқ сув ҳавзаларига чиқиб, урчиб кетишдан яратганнинг ўзи асрасин.

## САРХУШ "САЁҲАТ"ЧИ

Ичкилик аввал одамни хушнуд қилади. Миқдори сал кўпайиб кетса, шерга айлантиради. Хурмачадан ошса...

Бу оддийгина ҳақиқатни ичадиганлар ҳам, ичмайдиганлар ҳам яхши билишади. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас. Санкт-Петербургнинг шундайгина биқинида жойлашган қишлоқлардан бирида яшовчи Владимир ичкилик туфайли антиқа "саёҳат" уюштирди...

Владимир ўша куни маош олиб, улфатлари билан "эллик грамм" "отиш"га аҳд қилди. "Қиттак-қиттак" билан бошланган "отишма" эса роса чўзилди.

Кейин...

Барча улфатлар "учиб" қолишгач, Владимирнинг бир ўзи зерика бошлади. Шунда кўнгли шаҳарни айланиб келишни тусаб қолди. Шартта тракторни ўт олдирдию, "ҳайё-ҳуйт" деб Санкт-Петербургга йўл олди. Шаҳар билан Владимир истиқомат қиладиган қишлоқнинг ораси бор-йўғи йигирма дақиқалик йўл...

Шаҳарга кираверишда турган милиция ходимлари илонизи бўлиб келаётган тракторни тўхтатиш чора-тадбирларини кўришди. Бироқ тракторчи уларнинг имо-ишораларига эътибор ҳам бермади. Ана шундан кейин худди кинолардаги каби "қув-қув" бошланди. Трактор ўз йўлида учраган ўн иккита машина ва тўртта дўкончани уриб ўтиб кетди. Албатта, бугун дунёда юз бераётган турли террор ва шунга ўхшаш шов-шувли воқеалардан санкт-петербурглик милиция ходимлари ҳам бехабар эмас. Шунинг учун ҳам улар қурол ишлатишга мажбур бўлишди. Буни қарангки, отишмада ишлатилган ўттиз биринчи ўқгина тракторни тўхтатишга муваффақ бўлди. Ҳайдовчини "қуролсизлантириш"га ҳаракат қилган ички ишлар хизмати ходимлари ҳайратдан оғизларини очиб қолишди. Чунки шаҳар аҳлини саросимага солиб қўйган шаввоз кабинада аллақачон ширин туш кўриб ётган экан.

Лекин Владимир тушида деб ўйлаган жиноят аслида ўнгида содир этилди. Демак, у энди қонун олдида жавоб беради.

**Азиз УМАРАЛИЕВ тайёрлади.**



*Тоғ жамоли*

# НАФС ҚУРБОНЛАРИ

***Халқимиз бежизга «менинг нафсим балодур, ёнган ўтга соладур», деб айтмаган. Чунки ҳар бир ақли расо одам аввало, ўзининг, оиласининг тинчлик ва хотиржамлигини ўйлайди, нафс қутқусига учмай, ҳалол яшашга ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда, ҳалол йўл билан топган ризқ-насибасига қаноат қилади.***

***Афсуски, ҳаётда ана шу мезонларни назар-писанд қилмай яшашга уринадиган кишилар учрайди. Бундай нафс йўлига кирган кишилар токи панжара ортига тушмагунча тавба қилишмайди. Айримлари эса номи ёмонга чиқиб, бир неча марта қамалиб чиқишса-да, ўзларининг жирканч одати, жиноий хатти-ҳаракатидан воз кечмайди.***

1972 йилда Андижон вилояти, Қорасув шаҳрида туғилган Малоҳат Рўзиева ана шундай баднафс кимсалар тоифасидан чиқиб қолди. У аввал ҳам ножўя қилмиши туфайли Тошкент шаҳар, Ҳамза туман судининг ҳукми билан 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилган. Малоҳат ўша қилмишларидан тўғри хулоса чиқариш ўрнига бу сафар жиноят кўчасига бошқаларни ҳам етаклади.

Малоҳат турмуш ўртоғи Султонбек, укаси Ҳамид билан ўзгаларнинг мулкини фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш мақсадида ўзаро жиноий тил бириктириб, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 69-уй, 63-хонадонга фуқаро Қамариддин Нажмиевни «ўлжа» сифатида таклиф этишади. Улар Қамариддинни алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, ҳуқуқшунослик олийгоҳига ўқишга киритамиз, деб 5000 АҚШ доллари сўрашади. Малоҳат Қамариддинга турмуш ўртоғи Султонбек Халиловни прокуратурада ишлайди, деб таништиради. Ана шу алдов натижасида Қамариддин Нажмиев 2600 АҚШ долларни ҳужжатлар билан бирга Яккасарой тумани, Бобур кўча, 69-уйининг 63-хонадонига олиб келиб беради. Шундан сўнг Малоҳат Рўзиева, Ҳамиджон Хўжамбердиев, Ҳамид Низомов ва Султон Халилов ўзларининг жиноий мақсадларини охирига етказиш учун Қамариддинга қалбаки Тошкент ўрмон мелиоратив техникуми гувоҳномасини расмийлаштириб бериб, эвазига яна 2400 АҚШ доллари олишади.

Аслида улар Малоҳат бошчилигида «Отчопар» бозорида савдо қилиб, бинойидай даромад топишарди. Аммо энди меҳнат ортидан келадиган "писта пул"ни писанд қилмай қўйишади. Малоҳат никоҳсиз эри Султон билан Қамариддиннинг ишончини буткул қозониб "биз сенга ёрдам бердик, дипломингни олгунинга қадар бизнинг ёрдамимиз билан олийгоҳни тугатасан", деб йил давомида ундан яна 2600 АҚШ долларини, қарзга деб 400.000 сўм пулини, орадан озроқ фурсат ўтгач, яна қарзга деб 500.000 сўм пул олишади. Аммо текиндан келган пулнинг баракаси бўлмайди. Ҳамёнлари бўшаб қолган фирибгарлар яна содда Қамариддинни аврашга тушишади. Ундан яна 350.000 сўмни, уй ва уяли телефонлари хизмати учун ҳам 249.000 сўм пул тўлаттириб, унинг сотиш учун олиб келган 800.000 сўмлик 1 жуфт тилла билак узукларини сотиб оламан, деб фирибгарлик йўли билан эгаллаб олишган. Натижада жабрланувчи Қамариддин Нажмиевга жами 8000 АҚШ доллари ҳамда 2299000 сўмлик моддий зарар етказиб, ушбу пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборишади.

Ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татишга улгурмаган, эндигина 21 ёшни қоралаган Гулноз Анорбоева ҳам нафс куйида жиноятга қўл урди.

Nadomat

Милиция ходимлари тадбир ўтказиш жараёнида Тошкент шаҳар Яккасарой туманида жойлашган "Гранд Мир" меҳмонхонаси олдида Г.Анорбоеванинг шахсини аниқлаш мақсадида ҳужжатлари текширилганда, унинг эгнидаги чарм курткасининг чап чўнтагидан сигарет қоғозига ўралган 11,82 грамм оғирликдаги "героин" гиёҳвандлик моддаси топилган. У гиёҳвандлик моддасини туркманистонлик "Ботирхон" исмли шахсдан 135.000 сўмга сотиб олиб сақлаб юрганини, баъзан истеъмол қилишини таъкидлаган. Лекин иш юзасидан текширув ўтказган суд наркологик экспертиза хулосасида Гулноз Анорбоева гиёҳвандликка йўлиқмагани, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллашга асос йўқлиги кўрсатилган. Бу хулосадан келиб чиқиб, суд ҳайъати судланувчи Г.Анорбоеванинг бир неча бўлакларга бўлинган гиёҳвандлик воситасини сотиш учун эмас, ўзи истеъмол қилиш учун ёнида олиб юрганлиги тўғрисидаги кўрсатмасини жавобгарлик ва жазони енгиллаштириш мақсадида ўйлаб топган асоссиз важ деб баҳолади.

Албатта, ҳар иккала ҳолат юзасидан жиноятчиларга қонуний жазо тайинланди.

Шу ўринда киши кўнглида "бу жиноятлар нега рўй берди?" — деган савол туғилади. Бу жиноятларнинг илдизи нимага бориб тақалади? Бу атрофдагиларнинг лоқайдлиги, Қамариддин ва шунга ўхшаш ёшларнинг амалдаги қонунларни яхши билмасликлари оқибати эмасми? Хуллас, саволлар бисёр, уларга жўяли жавоб топиш, содир бўлган воқеадан қандай хулоса чиқариш энди ҳар кимнинг виждонига ҳавола.

**Бахтиёр ХЎЖАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Jinoyatlar tarixi

***Машҳур хонанда Олег Газмановни ким билмайди дейсиз. Унинг қўшиқлари кўплаб одамларга қувонч, ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Кунларнинг бирида уни янги қўшиқларни ёзиш учун "Останкино" студиясига таклиф қилишди.***

# "УХЛАЁТГАН" МАШИНАЛАР

Қўшиқчи ҳеч бир хавотирсиз "Мерседес" машинасини кўчада қолдириб, телестудияга киради. Ишлари битгач, қайтиб чиқиб қарасаки, машина йўқ. Тавба, ким олган бўлиши мумкин? Ахир, машинада бегона кишиларнинг олиб қочишига қарши овоз чиқарувчи мослама ўрнатилган эдику?! Тез орада қидирув ишлари бошланади. Йўл патрул хизмати ходимлари қанчалик жон куйдириб излашма- син, машинадан ном-нишон ҳам топилмади. Шундай қилиб машҳур хонанданинг қирқ минг АҚШ минг долларига харид қилган "Мерседес" автомашинаси бир-икки соат ичида изсиз йўқолади.



— Хоҳлайсизми, ҳар қандай машинани кўз ўнгингизда бир-икки дақиқанинг ичида очиб бераман, — дейди ўзини Павел дея таништирган йигит.

— Овоз чиқарувчи мослама ўрнатилган машиналарни-чи? — дея ҳайратга тушиб сўрайди ички ишлар ходими. — Агар код ўрнатилган бўлса-чи?

— Устасига барибир, — деб жилмаяди Павел.

У олиб қочишга қарши мураккаб мослама ўрнатилган "Ауди-ТТ" машинаси эшигини бир дақиқа ичида очиб, милиция ходимини баттар ҳайратга солди.

— Машина олиб қочишни касб қилиб олган ўғри учун ҳар қандай машинанинг 1,5-2 дақиқа ичида эшигини очиш чўт эмас, — дейди Павел. — Чунки улар ҳар қандай овоз чиқарувчи мосламанинг ҳам, коднинг ҳам бир пасда "овозини ўчиришади". Тўғрироғи, машиналарни таъмирловчи устахоналарда "ўз одамларимиз" бор. Улар бизга машинага ўрнатилган турли кодларнинг сир-асрорини шипшиб туришади. Албатта, "қуруққа" эмас...

Павелнинг айтишича, машина олиб қочиш билан асосан вояга етмаган ёшлар ва ўсмирлар шуғулланар экан.

— Нега катталар эмас? — дея таажжубга тушган куйи сўрайди йўл патрул хизмати ходими.

— Нима, бизни аҳмоқ деб ўйлаяпсизми? Ўсмирлар ўғирлашса, аввал судланмагани учун шартли жазо беришади ёки нари борса, жарима билан "сийлашади"...

Ҳозирги кунда Россиянинг Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида, Москва, Свердловск ва Иркутск вилоятларида машина ўғирлаш авж олган. Ўғриларнинг нигоҳи асосан чет элда ишлаб чиқарилган "Мерседес", "БМВ", "Ауди", "Тайота" машиналарига қаратилган.

Шуни айтиш керакки, ўтган асрнинг 90 йилларида машҳур кишиларнинг автомобилларини олиб қочиш одат тусига кирганди. Масалан, қисқа вақт ичида Махаил Живанецкий "Мерседес", қўшиқчи Валентин Талкунов "Фолькьсваген Пассад", актриса Лариса Удовиченко "Шкода Фелиция", теннисчи Марат Сафин "БМВ Х-5", Россия Федерацияси собиқ ички ишлар вазирининг турмуш ўртоғи Ада Грызлова "БМВ 745" машинасидан жудо бўлди. Бу рўйхатни яна давом эттириши мумкин. Бахтга қарши олиб қочилган машиналарнинг биронтаси ҳам топилмади. Милиция ходимларининг барча саъй-ҳаракатлари ҳавога совурилди.

Буни қарангки, аксарият кишилар ўғриланган машиналарда сайр қилишар экан. Ўтган йилнинг май ойларида Москва шаҳар Давлат автомобил назорати ходимларидан уч киши турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Улар кўп йиллар мобайнида ўғирланган машиналарни рўйхатдан ўтказиш билан шуғулланган. Чет эллардан Россияга олиб қочиб келинган машиналарга ҳужжатлар тайёрлаб уни савдога чиқаришган. Буни қарангки, бир нафақахўр аёл бир вақтнинг ўзида ўндан ортиқ машинанинг эгаси ҳисобланган. Аёлнинг номига сохта ҳужжатлар билан "Лексус", "Хаммер", "Линколин" ва "Мерседес-600" машиналари расмийлаштирилган.

Албатта, ички ишлар ходимлари ҳам қўл қовуштириб ўтиришмади. Машина ўғриларига қарши жон-жаҳдлари билан кураш олиб борилди. Шу боис ҳам АҚШ ва Европа мамлакатларидан Россияга келтирилаётган чет эл машиналари сонини бир қадар камайтиришга эришилди.

Таажжублиси шундаки, ўғирланган машиналарнинг асосий қисми россиялик машҳур эстрада қўшиқчилари, артистлари, режиссёрлар, сиёсатчилару тадбиркорларга сотилган. "Машҳурларга" сотилган 300 автомашинадан фақат 56 тасинигина ички ишлар ходимлари топишга муяссар бўлишди.

Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда, ўтган йили Россия ҳудудида 53 мингдан ортиқроқ турли русумдаги автомобиллар ўғирланган. Бу йил бу кўрсаткич 2 бараварга ошиши кутилмоқда. Ҳозирги кунда Россияда ўғирлаб кетилган 547 минг машина қидирилмоқда. Бу автоуловларнинг қачон топилишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Кейинги пайтларда бу мамлакатда машина олиб қочиш катта даромад келтирувчи соҳага айланди. Кўп ҳолларда ўғирлаб кетилган машина ўз эгаларига "қайта" сотилмоқда. Албатта, бу ҳар икки томоннинг "келишуви" билан амалга оширилади.

Машиналарни олиб қочишга қарши мосламалар ўрнатувчи соҳа ходимлари ҳам ёмон яшашмаяпти. Деярли ҳар йили Россиянинг ўзида 600 миллион доллардан ортиқроқ миқдордаги турли мосламалар харидорларга етказиб берилади. Амалиёт шуни кўрсатдики, ҳар қандай мослама ҳам устаси фаранг ўғри олдида сўзсиз "таслим" бўлар экан.

Автомобил ўғирлашнинг кундан-кунга ошиб боришига яна бир асосий сабаб — қонуннинг бўшлигида бўлса керак. Амалдаги қонунга кўра, Россияда автомобил олиб қочган жиноятчи уч ойдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиниши белгиланган. Бундан уч йил аввал ички ишлар вазирлигига автомобил "олиб қочиш" тушунчаси ўрнига "мулкни ўғирлаш" тушунчасини тадбиқ этиш ҳақида таклиф тушди. Бунга кўра машинани олиб қочган шахс 10 йилгача озодликдан маҳрум этилади. Агар бу таклиф қонунлар мажмуасига киритилса, автоуловларни ўғирлаш бир мунча камаяди.

**Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ**
**тайёрлади.**

Jinoyatga jazo muqarrar

# ТУБАНЛИК ЙЎЛИ

**I. МУҚАДДИМА**

Содир этиладиган турли жиноятлар ҳар доим жамият тараққиётига тўсиқ бўлган. Мана шундай жиноятлардан бири ўғриликдир. Мазкур жиноятлар тафсилоти ва уларнинг аянчли оқибатлари билан танишиш фойдадан холи эмас. Зеро, халқимиз "бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил", деб бекорга айтмаган.

**II. "ҒАРОЙИБ" КУНДАЛИК**

Безорилик, ўғрилик ва фирибгарликда анчагина "ном қозонган" И. Саидов ҳеч қачон кундалик битмаган. Бироқ у содир қилган жиноятлар кундаликни эслатади.

2000 йил 10 август. Жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман суди томонидан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

2003 йил 3 март. Соат 20.00 лар чамасида дугонасиникидан келаётган Баян Айитбоеванинг қўлидаги халтани тортиб олмоқчи бўлиб, унинг бошига мушт туширди ва ерга йиқитди. Баян билан бирга бўлган укаси Ерланни тепиб юборди. Баян енгил тан жароҳати олгани учун касалхонага ётқизилди.

2003 йил 19 август. Уйига дизел ёнилғиси сўраб келган Тўхтабой Ҳамроевни маст ҳолда қўлидаги қумғон билан уриб, тан жароҳати етказди. Жабрланувчи шифохонада ётиб даволанди.

2003 йил 22 август. Фуқаро Гулбаҳор Есевлиеванинг ишончига кириб, уйидан газўлчагич асбобини олиб кетди ва Беруний туман деҳқон бозорида номаълум шахсга 20 минг сўмга пуллади.

2003 йил 9 октябр. Ярим тунда опаси Феруза Саидованинг уйига деразаси орқали кириб, бозор нархида 40 минг сўм турувчи газўлчагични ўғирлаб кетди ҳамда уни сотиб, пулини ўз эҳтиёжлари учун сарф қилди.

2003 йил 14 октябр. Фуқаро Сарсенбой Жумабоев велосипедини эшик олдида қолдириб, ичкарига кириб кетганидан фойдаланиб, унинг "Кама" русумли велосипедини ўмариб кетди ва ўзга шахсга сотиб юборди.

2003 йил октябрнинг кейинги кунлари. Фуқаро Олимбой Султоновга уйи шифтига қоқиш учун бўз матоси келтириб беришни ваъда қилиб, унинг 6800 сўм пулини фирибгарлик йўли билан ўзлаштириб олди. Фуқаро Мадёр Раҳматуллаевнинг ишончини суиистеъмол қилиб, 100 килограмм буғдой олиб келиб бериш баҳонасида унинг 6000 сўм пулини жиғилдонига ютди.

2004 йил 19 феврал. Жиноят ишлари бўйича Элликқалъа туман суди томонидан 7 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди.

**III. "ЎЙИН"**

Ҳамид бу қинғирликка болалигидан одатланди. Ҳали ўн тўрт ёшга тўлиб-тўлмай, ўғрилик жинояти содир этди.

Кейин Президентимизнинг **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармони шарофати билан жазодан муддатидан илгари озод этилди.

Афсуски, бу бағрикенгликдан тўғри хулоса чиқариб олмаган нобакор йигит яна жиноятга қўл урди.

Ўғрига мол қаҳатми, деганларидек, бу сафар у узоққа отланиб ўтирмади. Ўғри "ўлжа"ни ўзи истиқомат қиладиган "Боғёп" фермерлар уюшмасининг "Ғишт заводи" посёлкасидан излади. Тун яримлаган чоғда Байрамгул Ғойибованинг уйини мўлжал қилди. Кўп ўйлаб ўтирмай, унинг қўрасидан қора рангли зотдор сигир ва сарғиш рангдаги ғунажинни етаклаб чиқди-да, уйи томон йўналди.

— Тўрткўлдан, бувимникидан опкелдим. Сотиб беришимни илтимос қилишди, — дея онасини алдади.

Соддадил она ўғлининг бу гапларига ишониб, у билан узоқ ҳамқишлоқлари бўлмиш Ҳабибулла Аймахановнинг уйига етиб келди ва ундан машинасида молларни Беруний бозорига элтиб беришни сўради. Ҳабибулла машинанинг бузуқ эканини, агар арзон беришса, молларни ўзи ҳам олиши мумкинлигини айтди. Ўзаро келишиш асосида бозор нархида 350 минг сўмга тенг келадиган икки бош қорамол сув текинга пулланди.

Воқеанинг қизиғи эртасига рўй берди. Ҳамид истиҳолага бордими ёки содир этилган жиноят изларини яширмоқчи бўлдими, хуллас, янги "ўйин" ўйлаб топди. Аниқроқ айтганда, тунда Ҳабибулланинг уйи олдига етиб келди-да, ўзига таниш бўлган сигир ва ғунажинни қозиғидан бўшатиб, Байрамгул Ғойибованинг уйи яқинига қўйиб юборди.

Ҳамид ушбу қилмишлари билан ўғрилик бобида нима хоҳласам, ўшани қиламан деб ўйлаганди. Аммо чучварани хом санаган экан. "Ўйин" унинг қўлга олиниши билан тугади.

**IV. ХОТИМА**

Қонун ҳукмрон бўлган жойда ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. И. Саидов, Ҳамид Рўзимовлар ўзлари содир этган жиноятлар изини турфа хил йўллар билан яширишга ҳаракат қилган, суд ҳайъатини чалғитишга уринган бўлсалар-да, муддаоларига етишолмади. Жиноят ишлари бўйича Элликқалъа туман суди уларга жиноятларига яраша жазо тайинлади.

Ўғриликнинг моли ҳаром, дейишади. Ҳаромдан ҳазар қилмай, тубанлик йўлини танлаган оқибатсиз кимсаларнинг ҳоли ҳамиша шундай кечади. Буни бошқалар унутмаслиги лозим.

**Анажон РАЗЗОҚОВА,**
**ҳуқуқшунос**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**ИНСОН ва ҚОНУН**
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холлӣ НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-616. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50